

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ

МАНТИҚИЙ ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

2021

Шокиров М.Р. ўқитувчи



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“МАНТИҚИЙ ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИ”**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Фалсафа

Модулнинг ўқув-услугий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи: М.Р.Шокиров ўқитувчи.

Тақризчи: Б.Б.Намозов фалсафа фанлари номзоди, доцент.

**Ўқув -услугий мажмуа Бухоро давлат университети Илмий
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган
(2020 йил “30” декабрдаги 9-сонли баённома)**

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	11
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	15
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	78
V. ГЛОССАРИЙ	90
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	96

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

“Мантиқий тафаккурни шакллантириш методикаси” модули ҳозирги кунда мантиқ ва тафаккурни шакллантирувчи фанларни ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, логика илмидаги сўнгги ютуқлар, муаммоларни ўрганиш ва таълим бериш жараёнида замонавий педагогик технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича, ҳамда уларнинг келажакдаги ўрни масалаларини қамрайди.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

«Мантиқий тафаккурни шакллантириш методикаси» модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларининг бу борада мамлакатимизда ва хорижий давлатларда тўпланган мантиқ илми, уни ўқитишнинг замонавий усулларини ўрганиш, амалда қўллаш, кўникма ва малакаларини шакллантириш.

«Мантиқий тафаккурни шакллантириш методикаси» модулининг вазифалари:

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- мантиқ илмига оид фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- мантиқий тафаккурни ривожлантиришга хизмат қилувчи силлогизмлар, мантиқий машқлар, тафаккур шаклларини бойитиш йўллари ишлаб чиқиш;
- фалсафа йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малака ва компетентлигига қўйиладиган талаблар

«Мантиқий тафаккурни шакллантириш методикаси» модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- фалсафани ўқитишда фойдаланиладиган замонавий амалий дастурлар мажмуаларини;
- мантиқий тафаккурни шакллантириш методикаси ҳамда унинг фикрлаш маданиятини ўстиришдаги аҳамиятини;
- маънавий баркамол авлодни тарбиялаш вазифаларини **билиши** керак;
- тараққиётнинг фалсафий моделларини таҳлил қилишда фалсафий методлардан фойдаланиш **кўникмаларига эга бўлиши** лозим.

Тингловчи:

- фалсафий билимларни ўрганиш орқали дискурсив (асосланган) фикр юритиш;
- фаннинг илмий, назарий, тарихий ва прогматик аҳамиятини ҳаётий воқелик ва илмий асосда тушунтириб бериш;
- фалсафий манбалардан зарур ва муҳим бўлган маълумотларни ажратиб олиш, уларни изчил тизимга келтириб, талқин қилиш **малакаларига эга бўлиши** лозим;

Тингловчи:

- мантиқ фанида инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- мантиқ фанининг инсонинг жамиятда тутган ўрни, яшашдан мақсад каби масалаларни таҳлил қилиш ва бугунги кун билан таққослаш;
- логиканинг долзарб масалаларга оид замонавий манбалардан фойдалана олиш **компетенцияларига эга бўлиши** лозим.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва
узвийлиги**

«Мантиқий тафаккурни шакллантириш методикаси» модули ўқув режадаги бошқа модуллар ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг бу соҳа бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар фалсафа ва фалсафий фанларини ўқитишда замонавий усуллар ёрдамида таълим жараёнини ташкил этишда педагогик ёндашув асослари ва бу борадаги илғор тажрибаларни ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий лаёқатга эга бўлиш, илмий-тадқиқотда инновацион фаолият ва ишлаб чиқариш фаолияти олиб бориш каби касбий компетентликка эга бўладилар.

Модуль бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат			
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси		
			Жами	Назарий машғулот	Амалий машғулот
1.	Тафаккур — мантиқ фанининг ўрганиш объекти.	4	4	2	2
2	Мантиқ фанининг фикрлаш маданиятини ўстиришдаги аҳамияти.	2	2		2
3	Тафаккур қонунлари.	4	4	2	2
4	Далилларга таянган ҳолда фикр юритиш.	4	4	2	2
5	Мантиқий парадокс. Илмий муаммо.	2	2		2
6	Мантиқий таҳлил ва мантиқий боғлиқлик.	4	4	2	2
	Жами	20	20	8	12

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1–Мавзу: Тафаккур — мантиқ фанининг ўрганиш объекти.

Режа:

1. Мантиқ илмининг предмети ва аҳамияти.

2. Тафаккур шакли ва тафаккур қонуни тушунчалари.
3. Мантиқ фани ривожланишининг асосий босқичлари
4. Мантиқни ўрганишнинг аҳамияти.

2–Мавзу: Тафаккур қонунлари.

Режа:

1. Формал мантиқнинг асосий қонунлари (принциплари)
2. Айният қонуни.
3. Нозидлик қонуни.
4. Истесно қонуни

3–Мавзу: Далилларга таянган ҳолда фикр юритиш.

Режа:

1. Аргументлаш ва исботлашнинг мантиқий асослари.
2. Далиллаш ва унинг хусусиятлари.
3. Исботлаш турлари ва методлари.
4. Рад этишнинг моҳияти .

4–Мавзу: Мантиқий таҳлил ва мантиқий боғлиқлик.

Режа:

1. Мантиқий таҳлил – замонавий методология асоси.
2. Герменевтик ва структуралистик таҳлил.
3. Мантиқий алоқадорликнинг намоён бўлиши.
4. Таҳлил ва боғлиқлик.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1–Мавзу: Тафаккур — мантиқ фанининг ўрганиш объекти.

Режа:

1. Мантиқ илмининг предмети ва аҳамияти.
2. Тафаккур шакли ва тафаккур қонуни тушунчалари.

3. Мантиқ фани ривожланишининг асосий босқичлари
4. Мантиқни ўрганишнинг аҳамияти.

2–Мавзу: Мантиқ фанининг фикрлаш маданиятини ўстиришдаги аҳамияти.

Режа:

1. Мантиқ илмининг фикрлаш Формал мантиқнинг асосий қонунлари (принциплари).
2. Айният қонуни.
3. Нозидлик қонуни.
4. Истесно қонуни.

3–Мавзу: Тафаккур қонунлари.

Режа:

1. Формал мантиқнинг асосий қонунлари (принциплари).
2. Айният қонуни.
3. Нозидлик қонуни.
4. Истесно қонуни.

4–Мавзу: Далилларга таянган ҳолда фикр юритиш.

Режа:

1. Аргументлаш ва исботлашнинг мантиқий асослари.
2. Далиллаш ва унинг хусусиятлари.
3. Исботлаш турлари ва методлари.
4. Рад этишнинг моҳияти.

5–Мавзу: Мантиқий парадокс. Илмий муаммо.

Режа:

1. Парадокс ва унинг мантиқий аҳамияти.
2. Мантиқий тафаккурни шакллантиришда парадокснинг ўрни.

3. Муаммо ва билиш жараёнида муаммоли вазият.
4. Илмий муаммоларни қўйиш ва ечиш услублари.

6–Мавзу: Мантиқий таҳлил ва мантиқий боғлиқлик.

Режа:

1. Мантиқий таҳлил – замонавий методология асоси.
2. Герменевтик ва структуралистик таҳлил.
3. Мантиқий алоқадорликнинг намоён бўлиши.
4. Таҳлил ва боғлиқлик.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ АҚЛИЙ ХУЖУМ МЕТОДИ

Ақлий хужум - ғояларни генерация (ишлаб чиқиш) қилиш методидир. «Ақлий хужум» методи бирор муаммони эчишда талабалар томонидан билди - рилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир эчимга келинадиган энг самарали методдир. Ақлий хужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида ўқитувчи томонидан берилган саволга та - лабаларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Талабалар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга талаба - лар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. «Ақлий хужум» методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва но - стандарт фикрлашга ўргатади.

Ақлий хужум методидан фойдаланилганда талабаларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан талабаларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Талабалар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги талабаларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод талабаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

Вазифаси. “Ақлий хужум” қийин вазиятлардан қутулиш чораларини топишга, муаммони кўриш чегарасини кенгайтиришга, фикрлаш бир хилли - лигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккурлашга имкон беради. Энг асосийси, муаммони эчиш жараёнида курашиш муҳитидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гуруҳ янада жипслашади.

Объекти. Қўлланиш мақсадига кўра бу метод универсал ҳисобланиб

тадқиқотчиликда (янги муаммони эчишга имкон яратади), ўқитиш жараёнида (ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади), ривожлантиришда (ўз-ўзини бир мунча самарали бошқариш асосида фаол фикрлашни шаклланти - ради) асқотади.

Қўлланиш усули. “Ақлий хужум” иштирокчилари олдида қўйилган муаммо бўйича ҳар қандай мулоҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилди ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қай - тадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлди. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланди ва хужум давомида улар танқид қилин - майди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий хужум тугагач, муҳимлик жихатига кўра энг яхши таклифлар генерацияланади ва муаммони эчиш учун зарурлари танланади.

«Ақлий хужум» методи ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Талабаларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.
2. Мавзунини такрорлаш ёки бир мавзунини кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда - янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.
3. Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда - мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

«Ақлий хужум» методининг афзаллик томонлари:


1. натижалар баҳоланмаслиги талабаларни турли фикр-ғояларнинг шакл - ланишига олиб келади;
2. талабаларнинг барчаси иштирок этади;
3. фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
4. талабаларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
5. талабаларда мавзуга қизиқиш уйғотиш мумкин.

«Ақлий хужум» методининг камчилик томонлари:

- ўқитувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;

- ўқитувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.

«Ақлий хужум» методининг таркибий тузилмаси



«Ақлий хужум» методининг босқичлари:

1. Талабаларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Талабалар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Талабаларнинг фикр-ғоялари (магнитофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

«Ақлий хужум» методини қўллашдаги асосий қоидалар:

- а) Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
- б) Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
- в) Билдирилган фикр-ғояларни тўлдириш ва янада кенгайтириш мумкин.

Мавзу бўйича асосий тушунча ва иборалар

Замонавий таълим воситаси тушунчаси , таълим воситаси турлари,
таълим воситасини қўллаш усуллари

Кластер

Кластер - (ўрам, боғлам).
Билимларни актуаллашишини рағбатлантиради, мавзу бўйича фикрлаш жараёнига янги бирлашган тасавурларни очик ва эркин кириб боришига ёрдам беради.

«Кластерни тузиш қоидалари» билан танишадилар.
Катта коғознинг марказига калит сўзи ёзилади.

Калит сўзи билан бирлашиши учун унинг ён томонларига кичик айланалар ичига «йўлдошлар» ёзилади ва «Катта» айланага чизикчалар билан бирлаштирилади. Бу «йўлдошлар» нинг «кичик йўлдошлари» бўлиши мумкин ва х.о. Мазкур мавзу билан боғлиқ бўлган сўзлар ва иборалар ёзилади.

Мулохаза қилиш учун кластерлар билан алмашишади.

Гуруҳларда иш олиб бориш қоидалари

- ✓ Ўзаро ҳурмат ва илтифот кўрсатган ҳолда ҳар ким ўз дўстларини тинглай олиши керак;
- ✓ Берилган топшириққа нисбатан ҳар ким актив, ўзаро ҳамкорликда ва маъсулиятли ёндашиши керак;
- ✓ Зарур пайтда ғар ким ёрдам сўраши керак;
- ✓ Сўралган пайтда ҳар ким ёрдам кўрсатиши керак;
- ✓ Гуруҳ иш натижалари баҳоланаётганда ҳамма қатнашиши керак;
- ✓ Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:
- ✓ Ўзгаларга ёрдам бериб, ўзимиз ўрганамиз!
- ✓ Биз бир қайиқда сузаяпмиз: ё бирга кўзлаган манзилга етамиз, ёки бирга чўкамиз!

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1–Мавзу: Тафаккур — мантиқ фанининг ўрганиш объекти.

Режа:

1. Мантиқ илмининг предмети ва ва аҳамияти.
2. Тафаккур шакли ва тафаккур қонуни тушунчалари.
3. Мантиқ фани ривожланишининг асосий босқичлари
4. Мантиқни ўрганишнинг аҳамияти.

Таянч тушунчалар

1. Мантиқ - тафаккур қонунлари, шакллари ва усулларини ўрганувчи фан.
2. Логика – грекча “logike” суздан олинган булиб, “сўз”, “фикр”, “ақл” маъноларини билдиради.
3. Тафаккур – ақлий билиш босқичи бўлиб, тафаккур жараёнида нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги, ривожланиш қонуниятлари, истиқболи ҳақида билимлар, ғоялар, гипотезлар ҳосил бўлади.
4. Тафаккур шакллари – тушунча, ҳукм ва хулоса чиқаришдан иборат бўлади. Булар ҳаммаси объектив борлиқнинг, предмет, ҳодисаларнинг мавҳум тафаккурда ифодаланиш шаклидир.
5. Мантиқий усул – унинг ёрдамида баён этилган мулоҳазаларга асосланиб тафаккур шакли муайян типдаги буюмлар муносабатини акс эттиради.

1. Мантиқ илмининг предмети ва ва аҳамияти.

Мантиқ сўзи, биринчидан, объектив олам қонуниятларини (масалан, «объектив мантиқ», «нарсалар мантиғи» каби ибораларда), иккинчидан, тафаккурнинг мавжуд бўлиш шакллари ва тараққиётини, шу жумладан, фикрлар ўртасидаги алоқадорликни характерлайдиган қонун-қоидалар йиғиндисини (масалан «субъектив мантиқ» иборасида), ва ниҳоят, учинчидан, тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фанни ифода этишда ишлатилади.

Мантиқ илмининг ўрганиш объектини тафаккур ташкил этади.

«Тафаккур» арабча сўз бўлиб, ўзбек тилидаги «фикрлаш», «ақлий билиш» сўзларининг синоними сифатида қўлланилади. Тафаккур билишнинг юқори босқичидир. Унинг моҳиятини яхшироқ тушуниш учун билиш жараёнида тутган ўрни, билишнинг бошқа шакллари билан бўлган муносабатини аниқлаб олиш зарур.

Билиш воқеликнинг, шу жумладан, онг ҳодисаларининг инсон миёсида субъектив, идеал образлар шаклида акс этишидан иборат. Билиш жараёнининг асосини ва охириги мақсадини амалиёт ташкил этади. Барча ҳолларда билиш инсоннинг ҳаётий фаолияти билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган, унинг маълум бир эҳтиёжини қондириши мумкин бўлган нарсаларни тушуниб этишга бўйсундирилган бўлади. Билиш жараёнини амалга оширар экан, кишилар ўз олдиларига маълум бир мақсадларни қўядилар. Улар ўрганилиши лозим бўлган предметлар доираси, тадқиқот йўналиши, шакллари ва методларини белгилаб беради.

Билиш мураккаб, зиддиятли, турли хил даражаларда ва шаклларда амалга ошадиган жараёндир. Унинг дастлабки босқичини ҳиссий билиш - инсоннинг сезги органлари ёрдамида билиш ташкил этади. Бу босқичда предмет ва ҳодисаларнинг ташқи хусусиятлари ва муносабатлари, яъни уларнинг ташқи томонида бевосита намоён бўладиган ва шунинг учун ҳам инсон бевосита сеза оладиган белгилари ҳақида маълумотлар олинади.

Ҳиссий билиш 3 та шаклда: сезги, идрок ва тасаввур шаклида амалга ошади. Сезги предметнинг бирорта ташқи хусусиятини (масалан, рангини, шаклини, таъмини) акс эттирувчи яққол образдир. Идрок предметнинг яхлит яққол образи бўлиб, у мазкур предмет ҳақидаги турли хил сезгиларни синтез қилиш натижасида ҳосил бўлади. Алоҳида олинган сезгилардан фарқли ўлароқ, идрок берилган предметни бошқа предметлардан (масалан олмани беҳидан, нокдан ва шу кабилардан) фарқ қилиш имконини беради. Тасаввур эса аввал идрок этилган предметнинг образини маълум бир сигналлар (берилган предмет билан маълум бир умумийликка эга бўлган) таъсирида миёда қайта ҳосил қилишдан, ёки шу ва бошқа образлар негизида янги образ

яратишдан иборат ҳиссий билиш шаклидир. Масалан, танишингизга ўхшаган кишини учратганда танишингизни эслайсиз, ёки қурмоқчи бўлган иморатингизни мавжуд иморатлар образлари ёрдамида яққол ҳис қиласиз.

Ҳиссий билишнинг барча шаклларига хос бўлган хусусиятлари қаторига қуйидагилар киради:

Биринчидан, ҳиссий билиш объектнинг (предметнинг ёки унинг бирорта хусусиятининг) субъектга (индивидга, тўғрироғи, унинг сезги органларига) бевосита таъсир этишини тақозо этади. Тасаввур ҳам бундан истисно эмас. Унда образи қайта ҳосил этилаётган (ёки яратилаётган) предмет эмас, у билан боғлиқ бўлган бошқа предмет-сигнал таъсир этади.

Иккинчидан, ҳиссий билиш шакллари предметнинг ташқи хусусиятлари ва муносабатларини акс эттиради.

Учинчидан, ҳиссий образ предметнинг яққол образидан иборат.

Тўртинчидан, ҳиссий билиш, конкрет индивидлар томонидан амалга оширилганлиги учун ҳам, ҳар бир алоҳида ҳолда конкрет инсоннинг сезиш қобилияти билан боғлиқ тарзда ўзига хос хусусиятга эга бўлади.

Бешинчидан, ҳиссий билиш билишининг дастлабки ва зарурий босқичи ҳисобланади. Усиз билиш мавжуд бўла олмайди. Чунки инсон ташқи олам билан ўзининг сезги органлари орқали боғланган. Билишнинг кейинги босқичи, бошқа барча шакллари сезгиларимиз берган маълумотларга таянади.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳиссий билиш тафаккур билан узвий боғлиқ. Хусусан, назарий билимларнинг чинлиги охир-оқибатда эмпирик талқин қилиш йўли билан, яъни тажрибада бундай билимларнинг объектини қайд этиш орқали асосланади. Ўз навбатида, ҳиссий билиш, умуман олганда, ақл томонидан бошқарилиб туради, билиш олдида турган вазифаларни бажаришга йўналтирилади, ижодий фантазия элементлари билан бойитилади. Масалан, гувоҳларнинг берган кўрсатмалари асосида жинойтчининг портрети яратилади, яққол ҳис қилинади ва қидирилади.

Лекин, шунга қарамасдан ҳиссий билиш ўз имкониятлари, чегарасига

эга. У бизга алоҳида олинган предметлар (ёки предметлар тўплами), уларнинг ташқи белгилари ҳақида маълумот беради. Унда мавжуд предметлар ўртасидаги алоқадорлик (масалан муз билан ҳавонинг ҳарорати ўртасидаги боғланиш) ўрганилмайди, предметларнинг умумий ва индивидуал, муҳим ва номуҳим, зарурий ва тасодифий хусусиятлари фарк қилинмайди.

Бундан ташқари, баъзи ҳолларда ҳиссиётимиз бизни алдаб қўяди. Масалан, узоқдан сизга қараб юриб келаётган кишини танишингизга ўхшатасиз, лекин яқинроқ келганда унинг бошқа киши эканлиги маълум бўлади. Бошқа бир мисол. Энди танишган кишингиз ҳақидаги дастлабки таассурот (бу асосан унинг ташқи тамонидан кўринишига қараб ҳосил қилинади), у билан мулоқатда бўлгандан кейин ўзгаради. Мана шу ўринда «Кийимига қараб кутиб олишади, ақлига қараб кузатишади» деган мақолнинг ҳиссий билиш билан ақл ўртасидаги ўзаро муносабатни, фарқни яхши ифода қилишини таъкидлаш лозим. Юқорида қайд этиб ўтилган ҳолатлар билишда тафаккурга бўлган эҳтиёжни, унинг моҳиятини, билишда тутган ўрнини чуқур англашга ёрдам беради.

Предмет ва ҳодисаларнинг моҳиятини тушунишга тафаккур ёрдамида эришилади. Тафаккур билишнинг юқори-ратсионал (лотинча ратио-ақл) билиш босқичи бўлиб, унда предмет ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятлари аниқланади, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишлар акс эттирилади. Тафаккур қуйидаги асосий хусусиятларга эга:

1) Унда воқелик абстрактлашган ва умумлашган ҳолда инъикос қилинади. Ҳиссий билишдан фарқли ўлароқ, тафаккур бизга предметнинг номуҳим, иккинчи даражали (бу одатда билиш олдида турган вазифа билан белгиланади) белгиларидан абстраккланган (фикран четлашган, мавҳумлашган) ҳолда, эътиборимизни унинг умумий, муҳим, такрорланиб турувчи хусусиятларига ва муносабатларига қаратишимизга имкон беради. Хусусан, турли кишиларга хос индивидуал белгиларни (хулқ-атвор,

темперамент, қизиқиш ва шу кабилардаги) эътибордан четда қолдирган ҳолда, улар учун умумий, муҳим белгиларни, масалан, мақсадга мувофиқ ҳолда меҳнат қилиш, онгга эга бўлиш, ижтимоий муносабатларга киришиш каби хислатларни ажратиб олиб, «инсон» тушунчасини ҳосил қилиш мумкин. Умумий белгиларни аниқлаш предметлар ўртасидаги муносабатларни, боғланиш усуллариини ўрнатишни тақоза этади. Турли хил предметлар фикрлаш жараёнида ўхшаш ва муҳим белгиларига кўра синфларга бирлаштирилади ва шу тариқа уларнинг моҳиятини тушуниш, уларни характерлайдиган қонуниятларни билиш имконияти туғилади. Масалан, юқорида келтирилган «инсон» тушунчасида барча кишилар битта мантиқий синфга бирлаштирилиб, улар ўртасидаги муҳим боғланишлар (масалан, ижтимоий муносабатлар) билиб олинади.

2) Тафаккур борлиқни билвосита акс эттиради. Унда янги билимлар тажрибага ҳар сафар бевосита мурожаат этмасдан, мавжуд билимларга таянган ҳолда ҳосил қилинади. Фикрлаш бунда предмет ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликка асосланади. Масалан, боланинг хулқ-атворида қараб, унинг қандай муҳитда тарбия олганлиги ҳақида фикр юритиш мумкин. Тафаккурнинг мазкур хусусияти, айниқса, хулосавий фикр ҳосил қилишда аниқ намоён бўлади.

3) Тафаккур инсоннинг ижодий фаолиятидан иборат. Унда билиш жараёни борлиқда реал аналогига эга бўлмаган нарсалар-юқори даражада идеаллашган объектларни (масалан абсолют қаттиқ жисм, идеал газ каби тушунчалар) ни яратиш, турли хил формал системаларни қуриш билан кечади. Улар ёрдамида предмет ва ҳодисаларнинг энг мураккаб хусусиятларини ўрганиш, ҳодисаларни олдиндан кўриш, башоратлар қилиш имконияти вужудга келади.

4) Тафаккур тил билан узвий алоқада мавжуд. Фикр идеал ҳодисадир. У фақат тилда-моддий ҳодисада (товуш тўлқинларида, график чизиқларда) реаллашади, бошқа кишилар бевосита қабул қила оладиган, ҳис этадиган шаклга киради ва одамларнинг ўзаро фикр алмашиш воситасига айланади.

Бошқача айтганда, тил фикрнинг бевосита воқе бўлиш шаклидир.

Тафаккур уч хил шаклда: тушунча, ҳукм (мулоҳаза) ва хулоса чиқариш шаклида мавжуд.

2. Тафаккур шакли ва тафаккур қонуни тушунчалари.

Тафаккур шаклификрнинг мазмунини ташкил этувчи элементларнинг боғланиш усули, унинг структураси (тузилиши)дир. Фикрлаш элементлари деганда, предметнинг фикрда ифода қилинган белгилари ҳақидаги ахборотлар тушунилади. Тафаккур шаклининг табиатини конкрет мисоллар ёрдамида кўриб чиқамиз.

Маълумки, айрим предметлар, уларнинг синфи (тўплами) кишилар тафаккурида турли хил мазмунга эга бўлган тушунчаларда акс эттирилади. Масалан, «давлат» тушунчасида ўзининг майдониغا, аҳолисига, бошқарув воситаларига эга бўлган сиёсий ташкилот акс эттирилади. «Илмий назария» тушунчасида эса, предметларнинг бирорта соҳасига оид бўлган ва улар ҳақида яхлит тасаввур берадиган, маълум бир метод ёрдамида қурилган тушунчалар системаси ифода этилган. Мазмун жиҳатдан турли хил бўлган бу тушунчалар мантиқий шаклига кўра бир хилдир: ҳар иккаласида предмет унинг муҳим белгилари орқали фикр қилинган. «ўз майдониغا эгалиги», «аҳолисининг мавжудлиги», «бошқарув воситаларига эгалиги», «сиёсий ташкилотдан иборатлиги» давлатнинг муҳим хусусятлари ҳисобланади. Худди шунингдек, «предметларнинг бирорта соҳасига алоқадорлиги», «предмет ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилишга имконият бериши», «маълум бир метод ёрдамида қурилиши», «тушунчалар системаси шаклида бўлиши» илмий назариянинг муҳим белгилари ҳисобланади. Агар тушунча акс эттираётган предметни А билан, унда фикр қилинаётган муҳим белгиларни, яъни фикрлаш элементларини а, в, с, ..., н билан белгиласак, тушунчанинг мантиқий структурасини А (а, в, с, ..., н) шаклида символик тарзда ифодалаш мумкин.

Ҳукмларда предмет билан унинг хоссаси, предметлар ўртасидаги муносабатлар, предметнинг мавжуд бўлиш ёки бўлмаслик факти ҳақидаги

фикрлар тасдиқ ёки инкор шаклда ифода этилади. Масалан «Темир-металл» деган ҳукмда предмет (темир) билан унинг хоссаси (металл эканлиги) ўртасидаги муносабат қайд этилган. «Ахлоқ ҳуқуқдан илгари пайдо бўлган» деган ҳукмда иккита предмет (ахлоқ ва ҳуқуқ) ўртасидаги муносабат қайд этилган. Мазмун жihatдан турли хил бўлган бу ҳукмлар тузилишига кўра бир хилдир: уларда предмет ҳақидаги тушунча (S) билан предмет белгиси ҳақидаги тушунча (P) ўртасидаги муносабат қайд этилган, яъни P нинг S га хослиги тасдиқланган. Умумий ҳолда ҳукмнинг мантиқий структурасини (шаклини) S-P формуласи ёрдамида ифода этиш мумкин.

Хулоса чиқаришда ҳам юқоридагига ўхшаш ҳолларни кузатиш мумкин. Масалан,

Дарахт - ўсимлик

Терак – дарахт

Терак - ўсимлик

ва

Ҳар бир химиявий элемент ўз атом оғирлигига эга

Мис - химиявий элемент

Мис ўз атом оғирлигига эга

Хулоса чиқариш кўринишлари мазмуни бўйича турлича бўлишига қарамасдан, бир хил мантиқий структурага эга. Ҳар иккаласида хулосани ташкил этувчи тушунчалар хулоса чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилаётган ҳукмларда учинчи бир тушунча (биринчи мисолда-«дарахт», иккинчи мисолда – «химиявий элемент» тушунчаси) орқали боғланган.

Юқоридаги келтирилган мисоллардан тафаккур шаклининг фикрнинг конкрет мазмунидан нисбатан мустақил ҳолда мавжуд бўлиши ва, демак, ўзига хос қонуниятларга эгаллиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам мантиқда уни алоҳида ўрганиш предмети сифатида олиб қараш мумкин.

Тушунча, ҳукм (мулоҳаза) ва хулоса чиқариш тафаккурнинг универсал шакллари, унинг асосий структуравий элементлари ҳисобланади. Муҳокама юритиш ана шулар ва уларнинг ўзаро алоқаларга киришиши натижасида

вужудга келадиган бошқа мантиқий структуралар (масалан, муаммо, гипотеза, назария, ғоя, аргументлаш ва шу кабилар) да амалга ошади.

Муҳокама юритишда ишончли натижаларга эришишнинг зарурий шартлари қаторига фикрнинг чин бўлиши ва формал жиҳатдан тўғри қурилиши киради. Чин фикр деб, ўзи ифода қилаётган предметга мувофик келувчи фикр ҳисобланади (Масалан, «Темир-металл»). Хато фикр предметга мос келмайдиган фикрдир (масалан, «Темир-металл эмас»). Фикрнинг чин ёки хато бўлиши унинг мазмунига тегишли хусусиятларидир.

Фикрнинг чин бўлиши мантиқий фикр юритишнинг зарурий шarti бўлсада, ўз ҳолича этарли эмас. Фикр муҳокама юритиш жараёнида формал жиҳатдан тўғри қурилган ҳам бўлиши керак. Бу хусусият фикрнинг шаклига тааллуқли бўлиб, тафаккурда ҳосил бўладиган турли хил мантиқий структураларда, содир бўладиган ҳар хил мантиқий амалларда ўз аксини топади.

Тафаккур қонуни муҳокама юритиш жараёнида фикрлар (фикрлаш элементлари) ўртасидаги мавжуд зарурий алоқалардан иборат. Тафаккур қонунлари мазмунидан келиб чиқадиган, муҳокамани тўғри қуриш учун зарур бўлган талаблар фикрнинг аниқ, изчил, этарли даражада асосланган бўлишидан иборат.

Муҳокамани тўғри қуриш билан боғлиқ талаблар ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, уларнинг муайян принциплар, қоидалар тарзида, яъни тўғри тафаккур принциплари сифатида амал қилишига эътибор бериш зарур. Мазкур қоидаларнинг бузилиши муҳокаманинг нотўғри қурилишига сабаб бўлади. Бунда, хусусан, чин фикрлардан хато хулоса чиқиши (масалан, «Қонун – риоя қилиш зарур бўлган ҳуқуқий ҳужжат», «Буйруқ қонун эмас», демак, «Буйруқ риоя қилиш зарур бўлган ҳуқуқий ҳужжат эмас») ёки хато қурилган муҳокамадан чин хулоса чиқиши (масалан, «Барча моддий жисмлар – кимёвий элементлар», «Темир-моддий жисм», демак, «Темир-кимёвий элемент») мумкин.

3. Тафаккур кўп қиррали жараён бўлиб, уни турли хил томонидан,

хусусан, мазмуни ва шакли (структураси) бўйича, тайёр ҳолида ёки келиб чиқиши ва тараққиётида олиб ўрганиш мумкин. Буларнинг барчаси мантик илмининг вазифасини ташкил этади, унинг турлича методлардан фойдаланишига, ҳар хил йўналишларга ажралишига сабаб бўлади.

3. Мантиқ фани ривожланишининг асосий босқичлари.

Буюк мутафаккирлар айтганларидек, ҳар бир даврнинг назарий тафаккури ўша даврнинг маҳсулидир.

Ижтимоий ҳаёт инсоннинг олдида муаммоларни тушуниш, уларни ҳал этиш учун мукамал тафаккурни талаб этади. Мантиқ фанининг ўзига хос хусусияти шундаки, объектив ва субъектив оламни эмас, балки тафаккур шакллари ва қонунларини ўргатади.

Мантиқ бошланғич даврда тафаккур тўғрисидаги фан сифатида нотиклик санъатининг ривожланиши асосида вужудга келади. Бунга мисол қилиб қадимги Ҳиндистон, Хитой, Туркия ва Римни кўрсатиш мумкин.

Мантиқ фанининг асосчиси Арасту ўзининг “Тописка” асарида мантиқ атамасини Риториканинг муаммоси сифатида олиб кўрсатади. Мантиқни шундай бир ёқлама тушунишдан секин-аста янгича тушунишга ўтила бошланади.

Мантиқ фанининг ривожланиши бир қанча юз йилликлар давомида 2 тармоқ билан ривожланди: биринчиси, Арасту мантиқий таълимоти асосида вужудга келган қадимги Юнон мантиғини асос қилиб олган бўлиб, шу асосида қадимги Рим, кейин Византия, Грузия, Арманистон, Яқин Шарқнинг арабзабон мамлакатлари, Ғарбий Европа каби ҳудудларнинг мантиқ фани ривожланди.

Иккинчиси, ҳинд мантиғини ўзига асос қилиб олган бўлиб, унинг асосида Хитой, Тибет, Мўғулистон, Корея, Япония ва Инданезия каби давлатларнинг мантиқ фани ривожланди.

Қадимга дунёда мантиқ илми.

Мантиқ илмини биринчи бўлиб қадимги юнонлар ва ҳиндлар тадқиқ этганлар. Арасту мантиғини қадимги Шарқий ва Ғарбий Европа, Яқин Шарқ

ўзлаштирган бўлса, ҳинд мантиғи Хитой ва Япония Тибет ва Монголияда, Цейлон ва Индонезияда тарқалди.

Маълумки, қадимий бадий манба ҳисобланмиш Ведалар эр.ав. II минг йилликлар арафасида тузилган. Ведаларнинг энг қадимийси Ригведа бўлиб, дастлабки кўп асрлар давомида улар оғзаки тарзда авлоддан-авлодга ўтган.

Брахманлик ва буддизм даврида дунёқараш ривожланди. Мантиқ бу ерда фалсафа илмининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. “Ригведа”лардаёқ фалсафий тафаккур асослари кўрина бошлаганди. Ведаларни тушунтириш мақсадида брахманларнинг шеърӣ шаклдаги диний кўшиқлари Упанишадалар вужудга келади.

Фалсафий мактаблар ўртасидаги баҳсларда мантиқ ва билиш назарияси ривожланиб борган, лекин мантиқ алоҳида фан бўлиб, ҳали ривожланмаган. Ньяя мактабида ҳам мантиқ илми тизимли шаклланмаган бўлса ҳам, қисқа афоризмлар нисбатан мустаҳкамлашган.

Билиш мезонлари ҳақида ҳиндлар турли қарашларга эга бўлганлар. Чорвак мактаби вакиллари билишда ягона восита ҳис этмоқни, буддизм, жайнизм, вайшишика эса билишда асосий мезон ҳис этиш ва хулосани, санкхья эса: ҳиссиёт, хулоса ва тўғри ахбортни билганлар.

Қадимги Юнон фалсафаси 2 даврга бўлинади.

1. Классик давр, қайсики Арасту фаолияти билан тугалланади.
2. Эллин даври – Эпикурдек буюк мутафаккирни етиштирган давр.

Антик фалсафа – 1000 йилдан ортиқ, эрамиздан аввалги VI асрдан эрамизнинг VI асригача давом этди. Пайдо бўлиш, ривожланиш, тугаш даврини ўз ичига олади.

Бу давр учга бўлинади:

Арастугача бўлган давр.

Арасту мантиғи.

Арастудан кейинги мантиқ илми.

Пифагор дастлабки мавжудликнинг асоси шаклланишида сонларнинг ўрни таълимотини киритди. “Дунёни сон бошқаради” деган фалсафий

принципи шунчаки киритмади, балки ривожланаётган фан, техника, савдони математик қонуниятларга эҳтиёжи борлигини кўрсатди. Пифогор мактабида геометрия, астрономия, тиббиётнинг муаммолари ишланди. Мия тафаккурнинг марказий аъзоси деб кўрсатилди. Бутун мавжудликни қамраб олувчи тушунчалар тизимини бериш билан мантиқ таълимоти билан шуғулланишга уриниш бўлди.

Тасдиқловчи тушунчалар:	Инкор этувчи тушунчалар:
Чекли -	Чексиз
Жуфт -	Тоқ
Бирлик -	Кўплик
Ўнг -	Сўл
Тинчлик -	Ҳаракат
Тўғри чизик -	Эгри чизик
Ойдинлик -	Қоронғулик
Эзгу -	Ёвуз
Квадрат (тўрт бурчак) -	Тўғри бурчак.

Аристотель асарларида тўғри тафаккурнинг айният ва етарли асос қонунлари махсус тарзда кўриб чиқилмаган. Лекин мутафаккир асарларининг таҳлили уларда бу қонунларга хос талабларнинг баён қилинганлигини кўрсатади.

Аристотельнинг мантиқий таълимотида хулоса чиқариш етакчи ўринни эгаллайди. У тафаккур шакллари бўлган тушунча ва ҳукмни хулоса чиқаришнинг таркибий қисмлари сифатида таҳлил қилади. “Рух ҳақида” асарида мулоҳазаларни руҳий ҳодиса сифатида текширса, “Метафизика”, “Талқин ҳақида” асарларида уни мантиқий шакл сифатида анализ қилади.

IX асрдаёқ Яқин Шарқда Арасту мантиғи машҳур эди. Бу даврда Европа схоластикаси Арасту мантиғи билан таниш эмас эди.

Мантиқ кейин тор доирада ривожланиб, Марказий Осиё мутафаккирлари Форобийнинг “Мантиқ фанларининг боши”, Ибн Синонинг “Мантиқ ҳамма фанларга хизмат қилувчи”, Ғаззолийнинг “Кимки мантиқ билан шуғулланмас экан, унинг илмий билимлари ишончли эмас” деган хулосаларига олиб келган.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, IX-XI асрлар Яқин ва Ўрта Шарқда мантиқий таълимотларнинг ривожланишидаги энг самарали давр ҳисобланади. Бу даврда мантиқ илмини ўрнатишга бўлган талабнинг ошиши:

биринчидан, табиатшунослик фанларининг ривожланиши ва табиий-илмий билмларга бўлган эҳтиёжнинг кучайиши билан;

иккинчидан, ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ бўлган масалаларни тўғри, адолатли ҳал қилишга интилишнинг ортиши билан;

учинчидан, энг муҳими, тўғри фикр юритишга бўлган талабнинг, чин фикрларни хато фикрлардан ажратиш зарурияти билан изоҳланади.

Шарқда биринчилардан бўлиб мантиқ илми билан шуғулланган, араб-мусулмон дунёсида перипатетизмга йўл очиб берган мутафаккир Ал-Киндийдир.

Абу Юсуф Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий (тах.800 Басра – 870 Бағдод) – араб файласуфи ва олими. Унинг дунёқарашида мантиқ илмига оид масалалар алоҳида ўрин эгаллайди. У қадимги юнон мутафаккирлари асарларини таржима қилиб, уларга шарҳлар ёзган.

Мантиқ масалаларини кенг ва изчил тадқиқ этган мутафаккир ал-Форобий (873-950) дир.

Мантиқ илмига оид асосий фикрлари:

мантиқ санъати интелектнинг мукамаллашувига олиб келади;

ҳақиқат томон йўналтиради;

билиш жараёнида хато ва адашишлардан сақлайди;

билимлардан чин ёки хатолигини аниқлайди;

фикрлар табиатдаги нарса ва ҳодисаларнинг сезгилар орқали билинишидир;

У “Фалсафани ўрганишдан аввал нималарни билиш керак” номли рисоласида фалсафий аргументлаш, исботлаш усуллари ҳақида гапирди. Арастунинг “Аналитика”сини ўрганиш зарурлигини;

Силлогизм ва исботлаш усули ҳақиқатга олиб келувчи усул эканлигини;

Илм-фан фалсафа шуларга асосланганлигини таъкидлайди.

Тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш, силлогизм ва унинг фигуралари, модусларини чуқур таълил қилади.

Унинг таълимотини Хоразмий, Абу Сулаймон, Абу Хайянлар давом эттирдилар.

Абу Абдуллоҳ Хоразмий

Мантиқ илмига:

аниқ нарсаларнинг хоссаларини белгилаш учун “индивидуал” тушунчасини киритади; сўз ва ибораларнинг ўзаро муносабатини таҳлил қилади (сўз ўзининг тўлиқ мазмунини англатадиган, сўз ўз мазмунининг бир қисмини англатадиган, сўз ўз мазмунидан келиб чиқадиган нарсани англатишини баён қилади); тафаккур ва тил, мантиқ ва грамматика орасидаги боғлиқлик ғоясини ривожлантирди; ҳукм масаласини алоҳида таҳлил қилди; силлогизмни хулоса чиқаришнинг энг муҳим кўриниши ва назарий билимларни эгаллашдаги асосий восита деб билди; софистика, риторика, поэтика каби силлогизм турларини алоҳида бобларда талқин қилди.

Абу Али ибн Сино (980-1037) 400 дан ортиқ асарларининг 150 дан ортиғи Фалсафа ва Мантиқ масалаларига бағишланган. Асосий асари “Китоб аш шифо”да мантиқга оид фикрлар 9 қисмдан иборат бўлиб, уларнинг номланиши ва тартиби Форобийники каbidир.

“Ҳайй ибн Яқзон” буюк Ибн Синонинг фалсафий асарларидан бири. Манбаларда кўрсатилишича бу фалсафий қисса икки вариантда тарқалган. Бири асл қисса, бошқа бири шарҳи билан.

Ғарбий Европада фалсафа ва мантиқ илми қадимги Греция ва Рим қолдирган илмий мерос асосида ривожланди.

Тушунча, ҳукм, хулоса ва исботлаш масалаларида Фома Аквинский Аристотель мантиғининг давомчиси ҳисобланади.

XIII аср файласуфларидан Рожер Бэкон (1214-1294). Мантиқ тарихида алоҳида ўрин эгаллайди, у схоластикага қарши бўлиб, тажрибада ҳосил қилинадиган билим ва табиий фанлар тарафдори эди. Рожер Бэкон таълимотига кўра силлогизмлар орқали чиқарилган хулосалар тажрибада

синаб кўрилишига эҳтиёж сезади. Лекин Рожер Бэконда “тажриба” тушунчасининг ўзи ноаниқ. У ҳиссий тажриба билан бир қаторда ички тажрибани тан олади ва уни мистик тарзда тушунтиради.

Николай Кузанский биринчи бўлиб айлана чексиз кўп томонлардан иборат бўлган кўпбурчакдир деган хулосага келди. Унинг билиш назариясига ҳеч қачон тугалланмайдиган чексиз яқинлашиш ғояси тегишлидир.

Н.Кузанский билишнинг тўрт поғонасини тан олади:

Ҳиссий мушоҳада – олий даражадаги билиш учун энг зарурий дастлабки поғона.

Ақлий тафаккур – қарама-қарши томонларни ажратувчи.

Ақллар – ўзаро қарама-қарши алоқаларни кўювчи.

Мистик интуиция.

Рус олими В.М.Ламонос (1711-1765) ўзининг илмий изланишлари билан физика, химия, геология, экологик география, фалсафа, тарих, психология, мантиқ, этика-эстетика фанларини бойитди ва ҳар хил илмий фанларга йўл очиб берди. Ўзи мантиқ масалаларига бағишлаб “Риторика” асарини ёзади. Мантиқни ҳамма фанларни ўрганишдан олдин билиш лозимлигини таъкидлайди. В.М.Ламонос доим амалиёт ва назариянинг орасида узвий ва ажралмас боғлиқлик борлигини, шунинг учун ҳам ҳақиқий олим ўзининг ишларида бир хил вақтда ҳам амалиётчи, ҳам назариячи бўлиши лозимлигини таъкидлар эди.

Гегельнинг (1770-1831) мантиғи диалектика билан мос келади. Унинг мантиқий таълимотида диалектика биринчи ўринни эгаллаган. Ҳама мавжуд бўлган нарсани Гегель абсолют ғоянинг маҳсули деб ҳисоблайди. Шу билан у инсоннинг дунёқараши, тушунчаларига, фикрлашга олиб боради. Буларга Гегель асаб тизимининг маҳсули ёки миянинг фаолияти деб қарамайди, у буларни абсолют ғоя деб ҳисоблайди. Абсолют ғоя эса борлиқдан чиқиб (табиатнинг поғонасидан) субъектив руҳга айланади. Инсоннинг фикрлаш қобилияти ҳар бир инсонга хос хусусият бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун “инсон” ва “фикрлаш” тушунчалари чамбарчас боғлиқдир.

Инсон фикрлашда, дунёқарашда борлиқдаги ҳамма нарсаларни ёритиб бергани учун, ҳар бир нарса тушунча бўлиб ҳисобланади.

“Борлиқ” деган тушунчани Гегель тоза “тенглик” деб ҳисоблайди. Мантиқ қонунларини эса Гегель доимо биринчи ўринга қўяди “ $A=A$ ” қонунни Гегель тушунчанинг энг биринчи формуласини Гегель кераксиз тавтология ёки “қайтариш” деб айтар эди.

Бу формула кераксиз ёки маъносиздир ва Гегель бу формулани таъкидлаганларни танқид қилади. Гегель: бу формула тарафдорлари хато қилишади, чунки улар “қимирламас” қонунни таъкидлайдилар, бу қонун эса ҳеч қаерга олиб келмайди деган фикрларни баён қилади.

Джон Гершель (1792-1871) – инглиз астрономи, физик, математик, файласуфи С.Милль мантиқий таълимотига катта таъсир кўрсатган.

“Табиатшуносликни ўрганишга кириш” (“Введение в изучение естествознания”) асарида индуктив хулоса чиқаришнинг ўхшашлик (сходства), тафовут (различия), йўлдош ўзгаришлар методи ва қолдиқ (сопутствующих изменений и остатков)ни ишлаб чиқади. Гершель индуктив хулоса чиқариш натижасида қандай қилиб илмий умумлашмаларга келишни исботлади.

Пирс Ч.С. (1838-1914).

Америкалик файласуф, мантиқшунос. Семиотика (белгиларнинг умумий назарияси ҳақидаги таълимот) асосчиси.

Қатъий ва ноқатъий дизъюнкцияни тадқиқ қилади. Индуктив хулоса чиқариш турларини ўрганади. Шунингдек, гипотеза, хулоса чиқаришнинг таснифи, мантиқий ҳисоб, мунлар мантиғи масалаларини тадқиқ қилади. “Контрар” тушунчасини киритди.

Джузепе Пеано (1858-1932).

Итальян математиги – мантиқшуноси. Замонавий математик мантиқда куйидаги белгиларни киритди.

Кўплика ёки синфларга таалуқли эканлигини билдирувчи белги таалуқлилий белгиси.

Бирлаштириш белгиси.

Кўпликларнинг кесишиши.

Пеано аксиомалари математик мантиқ курсида ўрганилади.

Г.Фреге (1848-1925).

Немис математиги, мантиқшуноси, файласуфи “Тушунчаларни санаш” асарида замонавий математика, мантиқ бўлимларини тизимларини баён этади. Булар импликация ва раддияга асосланган биринчи аксиоматик мантиқий тузилма эди.

У мантиқий исбот ва кўплик назарияси принципларни ишлаб чиқади.

Математик мантиқга кванторлар белгиларини киритди. (Хукмнинг миқдорни билдирувчи белгилар кванторлар: \forall умумийлик квантори “барча”, “ҳеч бир”, \exists мавжудлик квантори – “баъзи”)

Семантик тадқиқотлар асосчиси ҳисобланди.

Маъно, моҳият тушунчасини биринчи марта чуқур таҳлил қилади. Маъно – белгилар моҳияти, мазмуни, фикр – сўзларидан белгилардан тузилган.

Ҳар қандай алоҳидалик мазмун, моҳиятга эга. Ном мазмуни – бу нарса (номинат) нарсанинг моҳиятни очиб берувчи.

Номнинг моҳияти – номда ифодаланган ахборотлар.

Шахсий номлар – (белги, сўз, белгилар йиғиндиси) ўзининг моҳиятини намоён этади.

Шу белгилар асосида биз ўзимизнинг фикримизни ва унинг моҳиятини баён этамиз.

Мантиқда психологик йўналишга қарши бўлган.

Бертран Рассел (1872-1970).

Инглиз математиги, мантиқшуноси. Кембриж университетида математика мантиқ масалаларидан дарс берган. “Инсон билиши, унинг чексизлиги ва чегараси” асарида мантиқий қарашларни баён этган.

4. Мантиқни ўрганишнинг аҳамияти.

Олий таълим соҳасида кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган бир қатор муҳим норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди¹.

Жамиятни демократик янгилаш, модернизатсия қилишнинг ҳозирги босқичида олий таълимнинг олдида турган муҳим вазифалардан бири талабаларнинг мантиқий фикр юритиш маданиятини ривожлантириш, хусусан, уларнинг мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини такомиллаштиришдан иборат.

Мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлиш дегани - “Бу аввало кўп-кўп фикр ва мисолларни солиштириб, қиёслаб, уларнинг ичидан яқкаю-ягона тўғри ҳақиқатни ажратиб олиш, уни ўз онгига сингдириш, шундан хулоса чиқариб яшашга қодир бўлиш демакдир”². Ўзбекистон республикаси биринчи президенти Ислом Каримов таъкидалаганидек, “Мустақил тафаккурни шакллантиришда маҳорат керак”³. Бундай маҳоратни шакллантириш мантиқ илмининг вазифасини ташкил этади. Зеро, Форобий айтганидек, мантиқ хатога йўл қўйиши мумкин бўлган барча ҳолларда ақлни тўғрилаб туради.

Мантиқни ўрганишнинг аҳамияти шундаки, у ёшларга тўғри мулоҳаза юритиш, хулосалаш сир-асрорларини ўргатади, фикрлаш қобилиятини ўстиради, онгини бойитади. “Онгли, билимли одамларни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. Улар ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши этук одам бўлади”⁴.

Мантиқ илми қадимги фанлардан бўлиб, жамият тарихида икки минг йилдан кўпроқ давр мобайнида ўрганиб келинади. Бу фан инсонга ўз атрофидаги оламни ўрганиш, билимларини кўпайтириш, бошқа инсонлар

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevral kuni "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Xarakatlar Strategiyasi to'g'risida"gi №PF-4947-sonli Farmoni, 2017 yil 16 fevraldagi "Oliy o'quv yurtidan keyingi ta'lim tizimini yanada takomillashtirish to'g'risida"gi №PF-4958-sonli Farmoni, 2017 yil 20 apreldagi "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi №PQ-2909 - sonli Qarori, 2017 yil 27 iyuldagi "Oliy ma'lumotli mutaxassislar tayyorlash sifatini oshirishda iqtisodiyot soxalari va tarmoqlarining ishtirokini yanada kengaytirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi №PQ 3151 – sonli Qarori, 2017 yil 9 avgustdagi "Oliy ta'lim muassasalarida pedagogika yo'nalishida maxsus sirtqi bo'limlarni tashkil etish to'g'risida"gi №PQ 3183 – sonli Qarori.

² Каримов И.А. Энг асосий мезон-хаёт ҳақиқатини ақс эттиришдир.-Т.: Ўзбекистон, 2009. -9 б.

³ Шуасар. -22 б

⁴ АбуНаср Фаробий. Рисолалар. Тошкент, 1975. -54 б

билан муносабатда бўлиш каби муҳим вазифаларни бажаришига хизмат қилади. Давлатлар, тарихий даврлар, ижтимоий жамоаларинг ўзгариб бориши, фан, маданият, техниканинг узлуксиз ривожланиши, ижтимоий ва инсоний муносабатларинг мукаммаллашиб боришига қарамай мантиқ илми ҳар қандай синовларга бардош бериб, ўз мавқеини сақлаб, мустаҳкамланиб бориши ҳамда бу жараёнда таракқий этиши унинг — мантиқ фанининг инсон, жамият учун энг зарур илм соҳаларидан бири эканлигини намоён этади.

Мантиқ фани тўғри фикрлашнинг мантиқий шакллари ва қонун - қоидалари билан таништириши асосида мустақил, эркин фикр юрита оладиган баркамол инсонлар этиб тарбиялашга, уларда янги турмуш ва тафаккур тарзини қарор топтиришга ва шу тариқа демократик жамият куришнинг фаол иштирокчиларига айлантиришга хизмат қилади. Мустақил, тўғри фикрлаш қобилиятига эга, оқни қорадан ажрата оладиган шахсни шакллантириш – таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий шarti ҳисобланади.

Мантиқ фанини, унинг турли конкрет масалаларини тадқиқ этиш, албатта, маълум илм соҳаси, мантиқшунос олимлар, фалсафамутахассисларининг вазифасидир. Лекин тўғри фикр юритиш, тафаккурнинг энг оддий қонун – қоидаларини билиб олиш ва уларга риоя этиш, тўғри, хатосиз, тушунарли, тартибли, қоидага мувофиқ сўзлаш ҳар бир онгли, маданиятли одамнинг бурчидир.

Ҳар томонлама камолга этган, юқори маданиятли, илмли, маънавий этук инсонни тарбиялаш ватанимизда ҳуқуқий демократик давлат, одил фуқаролик жамияти куришнинг ҳамда “Буюк ва муқаддас Ватан” курилишининг энг муҳим вазифаларидандир.

Маънавий этуклик, юқори маданиятлилиқ, албатта, инсоннинг нутқ ва тафаккур маданияти ҳам юқори бўлишини талаб этади.

Шундай экан, мантиқ илмини ўрганиш бу фақат маълум илм соҳасини билиб олиш, у ҳақда тасаввурга эга бўлиш учунгина эмас, балки умуман

тафаккур маданиятини ривожлантириш учун ҳам керакдир.

Назорат саволлари.

1. Тафаккурнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
2. Тафаккур шакли нима?
3. Тафаккур қонуни нима?
4. Формал мантиқ нимани ўргагади?
5. Тафаккур қонунлари нималари нималарни акс эттиради?
6. Формал мантиқнинг асосий қонунларини санаб беринг?

2–Мавзу: Тафаккур қонунлари.

Режа:

1. Формал мантиқнинг асосий қонунлари(принциплари).
2. Айният қонуни.
3. Нозидлик қонуни.
4. Истесно қонуни.

Таянч тушунчалар

1. Тафаккур – ақлий билиш босқичи бўлиб, тафаккур жараёнида нарса ва ходисаларнинг ўзаро алоқадорлиги, ривожланиш қонуниятлари, истиқболи ҳақида билимлар, ғоялар, гипотезлар ҳосил бўлади.
2. Тафаккур қонунлари – чин билимга эришиш мақсадига хизмат қиладиган тўғри фикрлашнинг аниқ нормаларидир.
3. Мантиқий қонунлар – инсон тафаккуригагина хос бўлган, инсон тафаккурида турли фикр, мулоҳаза, муҳокамалар муносабатидагина амал қиладиган қонунлардир.
4. Айният қонуни – ҳар бир фикр, муҳокама аниқ, равшан бўлишини ўзида ифодаладиган мантиқий қонун.
5. Зиддият қонуни – зиддиятга йўл қўймасликни талаб этувчи, фикрий зиддиятнинг олдини олишга қаратилган мантиқий қонун.

6. Учинчиси истисно қонуни – тушунчанинг икки зид муносабатини ифодаладиган мантиқий қонун.
7. Етарли асос қонуни – фикрлашнинг исботли, ишонарли бўлишини талаб этувчи мантиқий қонун.

1. Формал мантиқнинг асосий қонунлари(принциплари)

Кенг маънода мантиқни тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан, деб аташ мумкин. Ҳозирги пайтда унинг формал мантиқ, диалектик мантиқ ва математик мантиқ каби йўналишларини фарқ қилиш мумкин. Формал мантиқ тафаккурнинг структурасини фикрнинг конкрет мазмуни ва тараққиётидан четлашган ҳолда, нисбатан мустақил равишда олиб ўрганади. Унинг диққат марказида муҳокамани тўғри куриш билан боғлиқ қоидалар ва мантиқий амаллар ётади.

Формал мантиқга тўғри тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фалсафий фан, деб таъриф бериш мумкин.

Диалектик мантиқ, формал мантиқдан фарқли ўлароқ, тафаккурни унинг мазмуни ва шакли бирлигида ҳамда тараққиётида олиб ўрганади. Математик мантиқ эса тафаккурни математик методлар ёрдамида тадқиқ этади. У ҳозирги замон математикасининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, тафаккурни мантиқий ҳисоблаш деб аталадиган юқори даражада абстрактлашган ва формаллашган системада таҳлил қилади.

Биз ўрганадиган фан формал мантиқ бўлиб, у ҳозирги пайтда ўзининг махсус формаллашган тилига, тўғри муҳокама юритиш учун зарур бўлган самарали мантиқий методлари ва усулларига, концептуал воситаларига эга. Тафаккурни ўрганувчи бошқа фанлар, хусусан фалсафа, психология, физиология билан ҳамкорлик қилади ҳамда илмий билимлар системасида ўзининг муносиб ўрнига эга. Айниқса, унинг билиш методи сифатидаги аҳамияти катта.

Тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганиш, улардан онгли равишда фойдаланиш фикрлаш маданиятини ўстиради, хусусан, фикрни тўғри куриш

малакасини ривожлантиради; баҳс юритишда ўзининг ва бошқаларнинг фикрига танқидий муносабатда бўлишига, суҳбатдошининг мулоҳазаларидаги хатоларни очиб ташлашга ёрдам беради.

Муҳокамани тўғри қуришга, формал зиддиятлар, хатоларга йўл қўймасликка эришиш, айтиш мумкинки, ўзига хос санъат-мантиқ санъати ҳисобланади. Бу санъатнинг назарий асосларини чуқур эгаллаган кишигина унинг имкониятларини амалий муҳокама юритишда намойиш қила олади. Шу ўринда буюк мутафаккир Форобийнинг мантиқ илмининг аҳамияти ҳақида билдирган қуйидаги фикрларининг алоҳида эътиборга лойиқ эканлигини таъкидлаш зарур. У шундай ёзади: «Бизнинг мақсадимиз ақлни, хатога йўл қўйиш мумкин бўлган барча ҳолларда, тўғри тафаккурга этаклайдиган, унинг ёрдамида ҳар сафар хулоса чиқараётганда адашишга қарши эҳтиёт чораларини кўрсатадиган санъатни-мантиқ санъатни ўрганишдир. Унинг асосий қонун-қоидаларининг ақлга бўлган муносабати грамматика санъати қоидаларининг тилга бўлган муносабатига ўхшаш; худди грамматика кишиларнинг тилини тўғирлаш эҳтиёжи сабабли яратилгани, унга хизмат қилиши зарур бўлгани сингари, мантиқ ҳам тафаккур жараёнини яхши амалга ошириш мақсадида хатога йўл қўйиш мумкин бўлган барча ҳолларда ақлни тўғирлаб туради».⁵

Унинг таълим соҳасидаги вазифалари ҳам жиддийдир. Ўқув жараёнининг самарадорлиги маълум бир даражада ишлатиладиган тушунчаларнинг, терминларнинг аниқ бўлишига, муаммоларнинг мантиқан тўғри қўйилиши ва ҳал қилинишига, мавжуд гипотезалар структурасини тўғри таҳлил қила олишга, аргументлаш қоидаларидан тўғри фойдаланишга боғлиқ.

Фан учун формал мантиқ мураккаб муаммоларни эчиш воситасини беради. Бундай воситалар, одатда, илмий назариянинг структурасини ўрганишда, унда ишлатиладиган формализмнинг моҳиятини тушунтириб беришда, формал зиддиятлар бўлса, уларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

⁵ Аль-Фараби. Естественно-научные трактаты. Алма-Ата, 1987, 435-бет.

Формал мантиқнинг асосий қонунлариқуйидагилардан иборат

1. Айният қонуни.
2. Нозидлик қонуни.
3. Учинчиси истисно қонуни.
4. Этарли асос қонуни.

Фалсафада қонун тушунчаси нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий, нисбий барқарор муносабатларини ифодалайди. Формал мантиқда илмида қонун тушунчаси фикрлаш элементлари ўртасидаги ички, муҳим, зарурий алоқадорликни ифодалайди.

Мантиқий тафаккур икки турдаги қонунларга бўйсунди. Улар диалектика қонунлари ва формаллашган мантиқ қонунларидир. Диалектика қонунлари объектив олам ва билиш жараёнига хос бўлган энг умумий қонунлар бўлиб, диалектик мантиқ илмининг ўрганиш соҳаси ҳисобланади. Формаллашган мантиқ қонунлари эса, фақат тафаккурдагина амал қилади. Диалектика қонунлари мантиқий тафаккурни унинг мазмуни ва шакли бирлигида олиб ўрганса, формал мантиқ қонунлари эса, фикрнинг тўғри тузилишини, унинг аниқ, изчил, зиддиятсиз ва асосланган бўлишини эътиборга олган ҳолда ўрганади.

Формал мантиқ қонунлари (ёки тафаккур қонунлари) дейилганда фикрлашга хос муҳим, зурурий боғланишлар тушунилади. Тафаккур қонунлари объектив воқеликнинг инсон миясида узоқ вақт давомида акс этиши натижасида вужудга келган ва шаклланган.

Бу қонунлар фикрлашнинг тўғри амалга ошишини таъминлаб туради. Улар тафаккур шакллари бўлган тушунчалар, мулоҳазалар (ҳукмлар) ҳамда ҳулоса чиқаришнинг шаклланиши ва ўзаро алоқаларини ифодалайди.

Тафаккур қонунларига амал қилиш тўғри, тушунарли, аниқ изчил, зиддиятсиз, асосланган фикр юритишга имкон беради. Аниқлик, изчиллик, зиддиятлардан холи бўлиш ва исботлилик (асосланганлик) тўғри тафаккурлашнинг асосий белгиларидир. Булар мантиқий қонунларнинг асосини

ташкил этувчи белгилар бўлганлиги учун уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Инсон тафаккурига хос бўлган муҳим хислатлардан бири фикрнинг аниқ бўлишидир. Маълумки, объектив воқеликдаги ҳар бир буюм, ҳодиса ўзига хос белги ва хусусиятларга эга. Бу белги ва хусусиятлар буюм ва ҳодисаларни бир-биридан фарқлашга, уларнинг ўзига хос томонларини аниқлашга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, буюм ва ҳодисаларнинг инсон тафаккурида аниқ акс этишини, ҳар бир фикр, мулоҳазанинг аниқ, равшан ифодаланишини таъминлайди. Фикрнинг ноаниқлиги фикрдаги мантиқнинг саёзлашувига, мантиқсизликка олиб келади. Масалан, объектив ва субъектив сабаб тушунчаларининг моҳиятини аниқлаб олмасдан бирорта ҳодисанинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида аниқ фикр юритиб бўлмайди. Шу сабабдан фикрдаги аниқлик тўғри тафаккурлашнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади.

Объектив воқеликдаги буюм ва ҳодисанинг жойлашиши, ўзаро муносабати ва боғланишида муайян тартиб, изчиллик, кетма-кетлик мавжуддир. Буюм ва ҳодисаларнинг бу хусусиятлари фикрлаш жараёнининг изчил амалга ошишида ўз ифодасини топган. Тафаккурга хос бўлган изчиллик белгиси ҳар бир фикрнинг муайян тартибда ўзаро боғланган ҳолда баён этилишини талаб қилади. Фикрдаги изчилликнинг бузилиши, фикр маъносининг ўзгаришига олиб келади ва бундай фикрни тушуниб олиш қийинлашади. Масалан, бирорта файласуф - мутафаккирнинг умумфалсафий қарашларини ўрганмасдан туриб, унинг ижтимоий ёки ахлоқий таълимотининг моҳиятини тўлиқ тушуниб бўлмайди.

Тафаккурга хос бўлган белгилардан яна бири фикрлаш жараёнининг зиддиятсизлик хусусиятига эга бўлишлигидир. Бу белги ҳам объектив асосга эга. Маълумки, объектив воқеликда ҳар бир буюм ёки ҳодиса бир вақтнинг ўзида бирор сифатига кўра икки зид белгига эга бўлмайди. Масалан, бирор буюм бир вақтнинг ўзида ҳам бор, ҳам йўқ бўла олмайди ёки инсон ҳам эътиқодли, ҳам эътиқодсиз бўла олмайди. Фикрда мантиқий зиддиятларнинг

мавжуд бўлиши унинг ноаниқ, чалкаш, тушунарсиз бўлишига олиб келади.

Буюм ва ҳодисалар ўртасидаги сабабий боғланишлар тафаккурга хос бўлган асослилик белгисининг объектив негизидир. Инсон фикр юритиш жараёнида иложи борица чинлиги асосланган мулоҳазаларни баён қилишга интилади.

2. Айният қонуни.

Айният қонуни бирор буюм ёки ҳодиса ҳақида фикр юритилганда уларга хос бўлган барча муҳим белгилар, томонлар камраб олинади. Предмет ҳақидаги фикр неча марта ва қандай ҳолатларда такрорланишига қарамасдан доимий, ўзгармас ва қатъий мазмунга эга бўлади. Тафаккурга хос бўлган бу аниқлик хусусияти айният қонунининг моҳиятини ташкил этади.

Айният қонунига кўра маълум бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган айни бир фикр айни бир муҳокама доирасида айни бир вақтда ўз-ўзига тенгдир. Бу қонун формал мантиқ илмида «А-А дир» формуласи билан ифодаланади.

Айният қонуни символик мантиқ илмида, яъни мулоҳазалар мантиғи ва предикатлар мантиғида ўзига хос кўринишда ифодаланади:

Мулоҳазалар мантиғида $a \rightarrow a$ ва $a \leftrightarrow a$. (Бунда a - ҳар қандай фикрни ифодаловчи белги, \rightarrow импликатсия белгиси, \leftrightarrow эквивалентлик белгиси).

Предикатлар мантиғида $(\forall x(P(x) \rightarrow P(x)))$. Бу ифода қуйидагича ўқилади: ҳар қандай X учун, агар X P белгига эга бўлса, X шу белгига эга, деган фикр тўғри бўлади.

Айният қонунининг асосий талаби қуйидагича: фикрлаш жараёнида турли фикрларни айнанлаштириш ва аксинча, ўзаро айнан бўлган фикрларга тенг эмас, деб қараш мумкин эмас. Бу мантиқий тафаккурнинг муҳим шартларидан биридир. Фикрлаш жараёнида бу қонунни, билиб ёки билмасдан, бузиш қолатлари учрайди. Баъзан, бу ҳолат бир фикрнинг тилда турли хил ифодаланиши билан боғлиқ бўлади. Масалан, «диалектика қонунлари» ва «табиат, жамият ва инсон тафаккурининг энг умумий қонунлари» тушунчалари шаклига кўра турлича бўлса ҳам мазмунан

айнандир.

Тилда мавжуд бўлган омоним ва синоним сўзларнинг қўлланиши ҳам баъзан турли фикрларнинг ўзаро айнанлаштирилишига, яъни нотўғри муҳокамага олиб келади. Масалан, фалсафий нуқтаи назардан «сифат» тушунчаси, ўзига хос мазмунга эга бўлса, бирор хунарманд томонидан бу тушунча, бошқа мазмунда (ярокли, фойдали) қўлланилади.

Шунингдек у, бир тушунчага касб-хунари, ҳаётий тажрибаси ва дунёқараши турли хил бўлган шахслар томонидан турли мазмун юклатилишида ҳам намоён бўлади.

Баҳс-мунозара жараёнида қандай қилиб бўлса ҳам рақибни алдаш ва ютиб чиқиш мақсадида айният қонунининг талабларини атайлаб бузувчилар софистлар деб аталади; уларнинг таълимоти эса софистика дейилади.

Баъзан турли маънодаги бир хил сўзларни моҳирлик билан ишлатиш орқали ажойиб шеърий мисралар яратилади. Шарқ адабиётида «туюқ» номи билан маълум бўлган бу шеърий мисралар гўзаллиги, инсонга ўзига хос завқ бериши билан ажралиб туради. Бунга Фозил Йўлдош ўғлининг қуйидаги мисралари мисол бўла олади:

Қўлингдан келганча чиқар яхши от,
Яхшилиқ қил болам, ёмонликни от,
Насиҳатим ёд қилиб ол фарзандим,
Ёлғиз юрса чанг чиқармас яхши от.

Юқоридаги тўртликда «от» тушунчасининг турли маъноларда қўлланилиши, айният қонуни талабининг бузилишини эмас, балки унга риоя қилинганлигини ифодалайди.

Ўзбек халқига хос бўлган аския санъатида айният қонунлари атайлаб бузилишини, тушунчаларнинг ўз маъносида эмас, балки кўчма маъноларда қўлланилишини кузатиш мумкин. Бу ўзига хос сўз ўйини бўлиб, унда қўлланиладиган нозик қочиримлар аския айтувчининг маҳоратини кўрсатади ва тингловчиларнинг кулгусига сабаб бўлади.

Айният қонуни предмет ва ҳодисаларнинг нисбий барқарорлигини

ифода этган ҳолда, тафаккурнинг ривожланишини, тушунчалар ва билимимизнинг ўзгариб, бойиб боришини инкор этмайди. Бу қонун фикрнинг мазмуни предмет ва ҳодисаларни тўлароқ билиб боришимиз билан ўзгаришини эътироф этади ва уни ҳисобга олишни тақозо қилади.

Айният қонуни тафаккурга, унинг барча элементлари, шаклларига хос бўлган умумий мантиқий қонундир. Бу қонуннинг талаблари тафаккурнинг ҳар бир шаклига хос бўлган конкрет қоидаларда аниқ ифодаланади. Тафаккурнинг тушунча, мулоҳаза (ҳукм), хулоса чиқариш шакллари, улар ўртасидаги муносабатлар шу қонунга асосланган ҳолда амалга ошади.

3. Нозидлик қонуни.

Нозидлик қонуни. Инсон тафаккури аниқ, равшан бўлибгина қолмасдан, зиддиятсиз бўлиши ҳам зарур. Зиддиятсизлик инсон тафаккурига хос бўлган энг муҳим хислатлардан биридир. Маълумки, объектив воқеликдаги буюм ва ҳодисалар бир вақтда, бир хил шароитда бирор хусусиятга ҳам эга бўлиши, ҳам эга бўлмаслиги мумкин эмас. Масалан, бир вақтнинг ўзида, бир хил шароитда инсон ҳам ахлоқли, ҳам ахлоқсиз бўлиши мумкин эмас. У ё ахлоқли, ё ахлоқсиз бўлади.

Бир вақтнинг ўзида бир предметга икки зид хусусиятнинг тааллуқли бўлмаслиги тафаккурда нозидлик қонуни сифатида шаклланиб қолган. Бу қонун фикрлаш жараёнида зиддиятга йўл қўймасликни талаб қилади ва тафаккурнинг зиддиятсиз ҳамда изчил бўлишини таъминлайди.

Нозидлик қонуни айни бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган икки ўзаро бир-бирини истисно қилувчи (қарама-қарши ёки зид) фикр бир вақтда ва бир хил нисбатда бирданига чин бўлиши мумкин эмаслигини, ҳеч бўлмаганда улардан бири албатта хато бўлишини ифодалайди. Бу қонун «А ҳам В, ҳам В эмас бўла олмайди» формуласи орқали берилади. Мулоҳазалар мантиғида бу қонун қуйидаги формула орқали ёзилади: $\forall x (p(x) \cdot \bar{p}(x))$, яъни ҳар қандай $p(x)$ мулоҳаза учун $p(x)$ ва унинг инкори биргаликда чин бўлмаслиги тўғридир.

Нозидлик қонуни қарама-қарши ва зид мулоҳазаларга нисбатан

кўлланилади. Бунда қарама-қарши мулоҳазаларнинг ҳар иккаласи ҳам бир вақтда хато бўлиши мумкин; ўзаро зид мулоҳазалар эса бир вақтда хато бўлмайди, улардан бири хато бўлса, иккинчиси албатта чин бўлади. Қарама-қарши мулоҳазаларда эса бундай бўлмайди, яъни улардан бирининг хатолигидан иккинчисининг чинлиги келиб чиқмайди. Масалан, «Аристотел-мантиқ фанининг асосчиси» ва «Аристотел-мантиқ фанининг асосчиси эмас»-бу ўзаро зид мулоҳазалардир. Бу зид мулоҳазаларнинг ҳар иккаласи бир вақтда хато бўлмайди. Улардан биринчиси чин бўлгани учун, иккинчиси хато бўлади. Ўзаро қарама-қарши бўлган «Бу дори ширин» ва «Бу дори аччиқ» мулоҳазаларининг эса иккаласи бир вақтда, бир хил нисбатда хато бўлиши мумкин. Чунки дори ширин ҳам, аччиқ ҳам бўлмаслиги, балки бемаза ёки нордон бўлиши мумкин.

Баъзида икки қарама-қарши фикр айтилганда мантиқий зиддият бўлмаслиги мумкин. Бунда бир масала юзасидан баён қилинган қарама-қарши фикрлар турли вақтда ва турли нисбатда айтилган бўлади. Масалан, Талаба А. мантиқ фанидан имтиҳон топширмади» ва «Талаба А. мантиқ фанидан имтиҳон топширди». Бу зид мулоҳазалар турли вақтга нисбатан чин бўлади, яъни улар ўртасида зиддият бўлмайди.

Демак, фикрлаш жараёнида, вақт, муносабат ва объект бирлигининг сақланиши нозидлик қонунининг амал қилиши учун зарурий шарт-шароит ҳисобланади. Нозидлик қонуни тўғри фикр юритиш жараёнида амал қилади.

Мантиқ илми умуман ҳар қандай зид мулоҳазаларни таъқиқламайди, балки бир масала юзасидан бир хил вақт ва муносабат доирасида ўзаро зид, қарама-қарши мулоҳазаларни баён қилиш мумкин эмаслигини таъкидлайди.

Формал мантиқ диалектик зиддиятлар билан мантиқий зиддиятларни чалкаштириб юборишни қоралайди. Мантиқий тафаккурдаги зиддият билан реал ҳаёт зиддиятларини, яъни диалектик зиддиятни бир-биридан фарқлаш, уларни алмаштириб юбормаслик зарур. Чунки булардан биринчиси тафаккурда йўл қўйиб бўлмайдиган зиддият бўлса, иккинчиси буюм, ҳодисалар тараққиётининг ички манбаини ташкил қиладиган диалектик зиддиятдир. Биринчиси субъектив,

иккинчиси объектив зиддиятдир.

Нозидлик қонунини билиш ва унга амал қилиш рақибнинг, суҳбатдошнинг фикрларидаги мантиқсизликни аниқлаш, илмий таҳлилни изчил ва чуқур мантиқий асосда олиб бориш имконини беради.

4. Истисно қонуни.

Истисно қонуни. *Учинчи истисно қонуни нозидлик қонунининг мантиқий давоми бўлиб, фикрнинг тўлиқ мазмунини қамраб олиб баён қилинган икки зид фикрдан бири чин, бошқаси хато, учинчисига ўрин йўқ эканлигини ифодалайди.* Бу қонун «А В ёки В эмасдир» формуласи орқали берилади. Мулоҳазалар мантиғида бу қуйидаги формула орқали ифодаланади: $p \vee \bar{p}$. Бу формула қуйидагича ўқилади. p ёки \bar{p} эмас.

Учинчиси истисно қонуни тушунчалар ўртасидаги зид муносабатларни ифодалайди. Агарда зид муносабатлар тушунчанинг тўлиқ мазмунини қамраб олмаса, икки зид белгидан бошқа белгиларнинг ҳам мавжудлиги маълум бўлса, унда учинчиси истисно қонуни амал қилмайди.

Масалан,

Талаба имтиҳонда «аъло» баҳо олди.

Талаба имтиҳонда «икки» баҳо олди.

Бу мулоҳазалар муносабатида нозидлик қонуни амал қилади. Чунки бу мулоҳазаларнинг ҳар иккиси ҳам хато бўлиши ва талаба имтиҳонда «ўрта» ёки «яхши» баҳо олиши мумкин.

Агар, «Талаба имтиҳонда «аъло» баҳо олди» ва «Талаба имтиҳонда «аъло» баҳо олмади», мулоҳазаларини таҳлил қилсак, унда бу мулоҳазалардан бири чин, бошқаси хато, учинчисига ўрин йўқ эканлиги маълум бўлади. Чунки «яхши», «ўрта» ва «икки» баҳолар-«аъло» баҳо эмас.

Учинчиси истисно қонуни қуйидаги ҳолатларда қўлланилади:

1. Алоҳида олинган якка буюмга нисбатан бир хил вақт ва муносабат доирасида ўзаро зид фикр билдирилганда. Масалан,

Тошкент-Ўзбекистоннинг пойтахти.

Тошкент-Ўзбекистоннинг пойтахти эмас.

Бу мулоҳазалар биргаликда чин ҳам, хато ҳам бўла олмайди. Улардан бири чин, иккинчиси хато, учинчи мулоҳазага ўрин йўқ. Учинчиси истисно қонуни ўзаро зид умумий мулоҳазалар доирасида амал қилмайди. Чунки умумий мулоҳазаларда буюмлар синфига ва шу синфга мансуб ҳар бир буюмга нисбатан фикр билдирилади.

Масалан,

Ҳамма файласуфлар нотикдир.

Ҳеч бир файласуф нотик эмас.

Бу мулоҳазалардан, бирининг хатолигидан иккинчисининг чинлиги ҳақида хулоса чиқариб бўлмайди. Бундай ҳолатда «Баъзи файласуфлар нотикдир» деган учинчи бир мулоҳаза чин ҳисобланади.

2. Сон ва сифатига кўра ўзаро зид мулоҳазалар баён қилинганда, буюм ва ҳодисаларнинг синфи ҳақида тасдиқлаб баён қилинган мулоҳаза билан шу синф буюм ва ҳодисаларининг бир қисми ҳақида инкор этиб баён қилинган мулоҳазалардан бири чин, иккинчиси хато, учинчисига ўрин бўлмайди.

Масалан,

Ҳамма файласуфлар табиётшуносдир.

Баъзи файласуфлар табиётшунос эмас.

Бу икки мулоҳаза бир вақтда чин ҳам, хато ҳам бўла олмайди. Улардан бири (Баъзи файласуфлар табиётшунос эмас) албатта чин, иккинчиси хато, учинчи мулоҳазага ўрин йўқ.

Демак, Учинчиси истисно қонуни:

Икки зид якка мулоҳазаларга нисбатан;

Умумий тасдиқ ва жузъий инкор мулоҳазаларга нисбатан;

Умумий инкор ва жузъий тасдиқ мулоҳазаларга нисбатан қўлланилади.

Учинчиси истисно қонунининг амал қилиши учун олинган зид муносабатларни ифодаловчи мулоҳазалардан бири тасдиқ, иккинчиси инкор бўлиши ёки тушунчалардан бири ижобий ва бошқаси салбий бўлиши шарт эмас. Олинган икки тушунча ёки мулоҳазанинг бир-бирини ҳажм жиҳатдан

тўлиқ инкор этиши кифоя. Масалан, эркак ва аёл тушунчаларининг ҳар иккиси ижобий бўлиб, инсон тушунчасининг тўлиқ мазмунини қамраб олувчи зид белгиларни ифодалайди.

Учинчиси истисно қонунида ҳам, нозидлик қонунидаги каби вақт, муносабат, объект айнанлигига риоя этиш шарт, акс ҳолда бу қонун ўз кучини йўқотади, фикрнинг изчиллигига зарар этади ва мантиқсизликка йўл қўйилади.

Учинчиси истисно қонуни бошқа мантиқий қонунлар сингари зиддиятли мулоҳазаларнинг чин ёки хатолигини аниқлаб беролмайди. Бунинг учун воқеа ва ҳодисаларни, уларнинг ривожланиш қонуниятларини билиш талаб қилинади. Инсон ўз билимларига асосланган ҳолда ўзаро зид мулоҳазалардан қайси бири чин ёки хато эканлигини аниқлайди. Бу қонун ўзаро зид мулоҳазалар бир вақтда чин бўлмаслигини тасдиқлайди.

Учинчиси истисно қонунини билиш муҳокама юритишда тўғри хулоса чиқариш учун муҳим бўлиб, ўзаро зид қарашларни аралаштириб юборишга йўл қўймайди

Этарли асос қонуни. Тўғри фикрлашга хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири исботлилик, ишончлиликдир. Фикрлаш жараёнида буюм ва ҳодисалар ҳақида чин муҳокама юритибгина қолмасдан, бу муҳокаманинг чинлигига ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги учун, уни исботлашга, асослашга ҳаракат қилинади. Бунда чинлиги аввалдан маълум бўлган ва ўзаро мантиқий боғланган мулоҳазаларга асосланилади, яъни баён қилинган фикрнинг чинлиги аввалдан маълум бўлган, тасдиқланган бошқа бир фикр, мулоҳаза билан таққосланади. Тафаккурнинг бу хусусияти этарли асос қонуни орқали ифодаланади.

Инсон тафаккурига хос бўлган бу қонунни биринчи марта немис файласуфи ва математиги Г. Лейбнитс таърифлаб берган. Унинг таъкидлашича, барча мавжуд нарсалар ўзининг мавжудлиги учун этарли асосга эга. *Ҳар бир буюм ва ҳодисанинг реал асоси бўлгани каби, уларнинг инъикоси бўлган фикр-мулоҳазалар ҳам асосланган бўлиши керак. Этарли асос*

қонунининг бу талаби қуйидаги формула орқали ифодаланади: «Агар В мавжуд бўлса, унинг асоси сифатида А ҳам мавжуд».

Этарли асос қонунида тўғри тафаккурнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлган фикрларнинг изчиллик билан муайян тартибда боғланиб келиш хусусияти ифодаланади. Бу қонун аввалги кўриб ўтилган қонунлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда амал қилади. Фикрлаш жараёнида берилган мулоҳазанинг чинлигини асослаш учун келтирилган чин мулоҳазалар мантиқий асос деб, берилган мулоҳазанинг ўзи эса мантиқий натижа деб юритилади.

Мантиқий асос билан объектив, ҳақиқий реал асосни аралаштириб юбориш мумкин эмас. Асос ва натижа орасидаги мантиқий боғлиқликни сабаб ва оқибат алоқадорлигидан фарқлаш зарур. Масалан, «Бу киши бемор» деган мулоҳазани «У шифохонада даволанаяпти» деган фикр билан асослаш мумкин. Аслида шифохонада даволаниш дастлабки мулоҳазанинг сабаби эмас, балки оқибатидир. Кўриниб турибдики, мантиқий асос ҳамма вақт ҳам ҳодисанинг сабаби билан мос келмайди. Фикрларнинг этарли асосга эга бўлишлигининг объектив манбаи фақат сабаб-оқибат муносабатинигина эмас, шунингдек, фикрнинг изчиллиги, асосланганлигини, исботланган бўлиш хусусиятларини ҳам, яъни объектив мазмуни сабаб-оқибат муносабатларидан ташқарида бўлган бошқа муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

Фикр – мулоҳазаларни асослаш мураккаб мантиқий жараён бўлиб, унда бир ёки ундан ортиқ ўзаро боғланган муҳокамалар системасидан фойдаланилади. Кенг маънода бирор мулоҳазани асослаш деганда, шу мулоҳазанинг чинлигини тасдиқловчи ишончли ва этарли далилларнинг мавжудлигини аниқлаш тушунилади. Бу ишончли ва этарли далилларни шартли равишда икки гуруҳга: эмпирик ва назарий асосларга бўлиш мумкин. Булардан биринчиси асосан ҳиссий билиш, тажрибага асосланса, иккинчиси ақлий билиш, тафаккурга таянади. Эмпирик ва назарий билимларнинг чегараси нисбий бўлгани каби, эмпирик ва назарий асослар ўртасидаги фарқ ҳам нисбийдир.

Инсоннинг шахсий тажрибаси макон ва замонда чегараланган бўлиб,

сезгилари берган маълумот эса ҳамма вақт ҳам тўғри бўлмайди. Шунга карамасдан, мулоҳазаларни эмпирик асослашнинг аҳамияти катта, чунки билиш жонли хиссий мушоҳададан, бевосита кузатишдан бошланади. Хиссий тажриба инсонни ташқи олам билан боғлаб туради. Назарий билим эса эмпирик базиснинг устқурмаси ҳисобланади.

Назарий асослашда кенг фойдаланиладиган усул-дедуктив хулоса чиқариш усули, яъни умумий чин мулоҳазаларга таяниб фикр юритишдир. Берилган мулоҳазани мантиқий усул орқали бошқа чин мулоҳазалар ёрдамида асослаш мумкин бўлса, унда берилган мулоҳаза чин, яъни асосланган бўлади. Бунда фикрлар ўртасидаги боғланиш умумийлик, хусусийлик ва яққалик ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ифодалайди. Масалан, тўғри тафаккур қонунларининг объектив характерга эканлигини, барча илмий қонунларнинг объектив характерга эга эканлиги ҳақидаги умумий чин мулоҳаза ёрдамида асослаш мумкин.

Умумий чин мулоҳазалар сифатида фанларнинг қонун-қоидаларидан, тушунчаларнинг таърифларидан, шунингдек аксиомалардан фойдаланилади. Буларнинг барчаси назарий асослашнинг ратсионал ёки демонстратив усуллари бўлиб, улар умумилмий аҳамиятга эга бўлган исботлаш методларининг асосини ташкил этади.

Шунингдек, асослашнинг субъектив характерда бўлган ва бевосита тажриба натижаларига ёки назарий фикр юритишга тааллуқли бўлмаган усуллари мавжуддир. Интуицияга, эътиқодга, авторитетларга ва урф-одатларга асосланиш шундай усуллар жумласига киради. Бу усуллардан кўпроқ кундалик онг даражасида фойдаланилди.

Интуиция ҳеч қандай муҳокама ва исботларсиз тўғридан-тўғри ҳақиқатга эришиш қобилиятини ифодалайди. Интуиция - лотинча интуитио сўзидан олинган бўлиб, «диққат билан тикилиб қарайман», деган маънони билдиради. Интуиция билиш жараёнида сезиларли аҳамиятга эга бўлиб, хиссий ва ақлий билишдан ўзгача бир кўринишини ташкил этмайди; ўзига хос фикр юритиш, тафаккур қилиш усулини ифодалайди. Интуиция орқали инсон мураккаб

ходисаларнинг моҳиятини, унинг турли қисмларига эътибор бермаган ҳолда, фикран яхлит қамраб тушуниб олади. Бунда тафаккур жараёнининг алоҳида қисмлари у ёки бу даражада англамайди ва асосан фикр юритиш натижаси-ҳақиқатгина англаган ҳолда аниқ, равшан қайд этилади. Интуиция ҳақиқатни аниқлашда этарли асос ҳисобланса-да, лекин бу ҳақиқатга бошқаларни ишонтириш учун этарли ҳисобланмайди.

Эътиқод-кишининг ишончини қозонган ва шунинг учун ҳам унинг фаолиятида хатти-ҳаракатларини белгилаб берадиган, унинг дастури бўлиб хизмат қиладиган қарашларнинг мажмуасидан иборат. Эътиқод чинлиги исботланган мулоҳазаларга ёки танқидий таҳлил қилиб кўрилмаган, чинлиги номаълум бошланғич билимларга асосланган бўлиши мумкин. Интуиция каби эътиқод ҳам субъектив характерда бўлиб, давр ўтиши билан ўзгариб туради.

Эътиқод ҳақида фикр юритганда кўр-кўрона эътиқод билан тарихий ва ҳаётий тажриба натижаси бўлган, билимга асосланган эътиқодни фарқлаш зарур. Фақат илмий билимга асосланган эътиқодгина фикр ва мулоҳазаларнинг чинлигини аниқлашда этарли асос бўлади.

Авторитет (ауторитас - ҳокимият, таъсир) - кенг маънода ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида бирор шахснинг ёки ташкилотнинг кўпчилик томонидан тан олинган норасмий таъсирдир. Этарли асос қонуни билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишда авторитет тушунчаси обрўли, эътиборли, нуфузли манба маъносида қўлланилади. Авторитетларга асосланиш деганда эса, бирор фикр, мулоҳазанинг чинлигини асослашда обрўли, эътиборли, нуфузли манбаларга мурожаат қилиш тушунилади. Нуфузли манба сифатида алоҳида шахсларнинг фикр ва мулоҳазалари, муқаддас диний китобларда ёзилган сура ва оятлар, халқ мақоллари ва ҳикматли сўзларидан фойдаланилади.

Авторитетларнинг амал қилиш доираси ва давомийлиги турли хил бўлади. Тор доирада амал қиладиган, қисқа муддатли авторитетлардан фикр мулоҳазаларни асослашда ҳамма вақт ҳам фойдаланиб бўлмайди. Чунки, вақт

ўтиши ёки амал қилиш доирасининг ўзгариши бу авторитетларнинг мавқеини тушириб юбориши мумкин.

Кенг доирада амал қиладиган ва доимий, мунтазам бўлган авторитетларгина фикр-мулоҳазаларнинг чинлигини аниқлаш учун этарли асос бўлади. Бундай авторитетлар тарихий шароитнинг, сиёсий ўзгаришларнинг таъсирида ўз кадр-қимматларини йўқотмайдилар, вақт синовиغا бардошли бўладилар. Умуминсоний маънавий маданият хазинасидан жой олган буюк мутафаккирларнинг ҳикматли сўзлари, умуминсоний ахлоқий қадриятлар, ҳалқларнинг ижтимоий-тарихий тажрибасини акс эттирган мақоллар фикр-мулоҳазаларнинг чинлигини асослашда этарли далил ҳисобланади. Масалан, «Илм олиш учун тинимсиз изланиш зарур» эканлиги ҳақидаги фикрни ҳазрат Алишер Навоийнинг «Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим» сўзлари билан, шунингдек ҳадисларда келтирилган «Бешикдан то қабргача илм изла» каби фикр-мулоҳазалар ёрдамида асослаш мумкин.

Авторитетларга асосланиш билан авторитар тафаккурни ўзаро фарқлаш зарур. Авторитарлик - асосланганликнинг ўзгарган, бузилган кўриниши бўлиб, унда мулоҳаза юритиш ва унинг чинлигини аниқлаш вазифаси авторитетлар зиммасига юкланади.

Авторитар тафаккур бирор муаммони ўрганишдан аввал ўзини «асосий мулоҳазалар йиғиндиси» билан чеклаб қўяди. Бу мулоҳазалар йиғиндиси тадқиқотнинг асосий йўналишини белгилаб беради ва кўпинча аввалдан маълум бўлган натижани келтириб чиқаради. Дастлабки асос бўлган фикрлар системаси намуна сифатида қабул қилинади ва бошқа фикрлар унга бўйсундирилади. Агар асосий мулоҳазаларнинг деярли барчаси авторитетлар томонидан айтилган бўлса, унинг давомчиларига бу фикрларни тушунтириш ва изоҳлаш қолади, холос. Бу янгиликлардан ва ижодийликдан маҳрум бўлган фикр юритиш усули бўлиб, диалектик тафаккурга зиддир. Авторитетлар, нуфузли манбалар, жамият аъзолари, хусусан ёшларда миллий мафкура ва миллий ғояни шакллантиришда асосий омиллардан биридир. Шу ўринда

матбуотнинг, айниқса радио ва телевидениянинг у ёки бу манбанинг авторитет деб тан олинмишидаги роли эътиборлидир.

Урф-одат авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтадиган ва муайян жамият ёки ижтимоий гуруҳ томонидан қабул қилинган бир хил шаклдаги ҳатти-ҳаракат, ҳуқ-атвор усули бўлиб, кишиларнинг турмуш тарзи ва фикр юритишига маълум даражада таъсир кўрсатади. Урф-одатларга асосланган ҳолда фикр юритиш ва ҳаракат қилиш кўпинча кишиларнинг турмуши, ахлоқий меъёрлар ва халқ маросимлари доирасида намоён бўлади. Жамият ёки ижтимоий гуруҳ томонидан бирор шахс ёки воқеа-ҳодисага нисбатан бўлган муносабат муайян урф-одатлар билан асосланади. Бунда бирор ҳатти-ҳаракатни асослаш учун «урф-одатларимизга кўра...» - деб фикр юритилади.

Тўғри тафаккурнинг юқорида кўриб ўтилган қонунларининг ҳар бири чин билимга эришиш учун хизмат қилади. Бу қонунлар тафаккур жараёнида алоҳида-алоҳида ёки бирин-кетин эмас, балки бир вақтда, биргаликда фикрлар боғланишининг характериға қараб амал қилади.

Назорат саволлари.

1. Тафаккур қонуни нима?
2. Формал мантиқ нимани ўргагади?
3. Айният қонуни маҳиятини тушунтиринг?
4. Нозидлик ва истисни қонунларининг тўғри фикр юритишдаги ўрнини таҳлил қилинг.
5. Асослашнинг турларини сананг.

3–Мавзу: Далилларга таянган ҳолда фикр юритиш.

Режа:

1. Аргументлаш ва исботлашнинг мантиқий асослари.
2. Далиллаш ва унинг хусусиятлари.
3. Исботлаш турлари ва методлари.
4. Рад этишнинг моҳияти .

Таянч тушунчалар

1. Тезис - чинлиги асосланиши лозим бўлган ҳукм, у исботланишининг марказий фигураси ҳисобланади.
2. Аргументлар - тезиснинг чинлигини асослаш учун келтирилган ҳукмлар.
3. Исботлаш усули - демонстрация тезис билан аргументлар ўртасидаги мантиқий алоқадан иборат.
4. Раддия - исботни бузишга қаратилган мантиқий амалдир.

1. Аргументлаш ва исботлашнинг мантиқий асослари.

Баҳс, мунозара юритишнинг, чин фикрларни исботлай билишнинг, хато фикрларни рад этишнинг ўзига хос қонун қоидалари мавжуд. Бу қоидаларни билиш ҳар бир инсонга, шу жумладан талабаларга чин фикрни хато фикрдан ажрата билиш, тўғри тафаккурлаш маданиятини шакллантириш имконини беради.

Кишиларнинг амалий фаолиятдаги муваффақиятлари улар қўллаётган билимларнинг қай даражада чин бўлишига, яъни бу билимларнинг воқеликни қанчалик тўғри акс эттиришига боғлиқ. Хато фикрлар предметларнинг реал алоқалари ва муносабатларини бузиб кўрсатади, билишда кўп чалкашликларга олиб келади. Шунинг учун ҳам билиш жараёнида ҳар бир фикрни тўғри куришга эришиш, унинг чинлигини далиллар билан кўрсата олиш, хато фикрларни эса рад қила билиш муҳим аҳамиятга эга.

Фикрнинг чинлигини тасдиқлаш учун уни ҳодисанинг (фактнинг) ўзи билан солиштириш мумкин. Лекин кўп ҳолларда билиш жараёнида натижаларининг чинлиги уларни илгари вужудга келган билимлар билан боғлаш орқали аниқланади. Буни амалга оширишнинг мантиқий усули исботлашдир.

Исботлаш бир ҳукмнинг чинлигини у билан боғланган бошқа чин ҳукмлар ёрдамида асослашдан иборат бўлган мантиқий амалдир. Унинг таркиби уч элементдан ташкил топган: тезис, аргументлар (асослар), исботлаш усули-демонстрация.

Тезис-чинлиги асосланиши лозим бўлган ҳукм, у исботлашнинг марказий фигураси ҳисобланади; бутун диққат-эътибор унинг чинлигини кўрсатишга қаратилади. Тезис бир мулоҳазанинг ўзидан, ёки мулоҳазалар тизимидан, ёки теоремалардан, ёки аниқ фактларни умумлаштириш натижаларидан ёки ҳодисаларнинг сабабини кўрсатувчи мулоҳазалардан ва шу кабилардан иборат бўлади.

Аргументлар-тезиснинг чинлигини асослаш учун келтирилган ҳукмлар. Аргументлар бўлиб фактларни қайд қилувчи ҳукмлар, таърифлар, аксиомалар, теоремалар, қонунлар ҳамда бошқа эмпирик ва назарий умумлашмалар хизмат қилади. Аргумент сифатида келтирилган фактлар, албатта, ўзаро боғланган ва тезиснинг моҳиятига алоқадор бўлиши лозим.

Таърифлар ҳам чин ҳукмлар бўлиб, улардан аргумент сифатида фойдаланиш мумкин. Масалан, «Харакат - бу ҳар қандай ўзгаришдан иборат» деган таъриф-чин ҳукмдир.

Аксиомалар чинлиги ўз-ўзидан равшан бўлган, исботлашни талаб қилмайдиган фикрлардир. Инсон тажрибасида кўп марта марталаб такрорланганлиги учун ҳам уларни исботлаш зарур эмас.

Теоремалар ва қонунларнинг чинлиги исботланган бўлади, уларни ҳеч иккиланмасдан аргумент қилиб олиш мумкин.

Исботлаш усули-демонстрация тезис билан аргументлар ўртасидаги мантиқий алоқадан иборат. У хулоса чиқариш шаклида бўлади, яъни тезис аргументлардан хулоса сифатида мантиқан келтириб чиқарилади.

Исботлашнинг икки тури мавжуд: бевосита исботлаш, бавосита исботлаш. Бевосита исботлашда тезиснинг чинлиги тўғридан-тўғри аргументлар билан асосланади, унда тезисга зид бўлган ҳукмлардан фойдаланилмайди. Тезис кўп ҳолларда якка ҳодисани ифода қилиб келади ва маълум бир умумий билимдан, масалан қонундан, аргумент сифатида фойдаланилиб, унинг чинлиги асосланади. Масалан «Ўзбекистон - мустақил давлатдир» деган ҳукм (тезис) нинг чинлиги «Ўзбекистоннинг мустақил

давлат деб эълон қилиниши, унинг халқаро миқёсда эътироф этилиши» каби асослар ёрдамида исботланади.

Бавосита исботлашда эса тезиснинг чинлиги унга зид бўлган ҳукмнинг (антитезиснинг) хатолигини кўрсатиш орқали асосланади. Антитезис қандай шаклда ифодаланган бўлишига қараб апогогик исботлаш ва айирувчи исботлаш фарқ қилинади. Апогогик исботлашда тезис (а) ва антитезис (\bar{a}) ўртасидаги муносабатга асосланилади. Масалан «Материя ҳаракатсиз мавжуд эмас» деган ҳукмнинг чинлигини асослаш учун унга зид бўлган «Материя ҳаракатсиз мавжуд» деган ҳукм олинади.

Апогогик исботлашда антитезис топилиб (1-босқич), вақтинча чин деб қабул қилинади ва ундан маълум бир натижалар келтириб чиқарилади (2-босқич), сўнгра бу натижаларнинг хатолиги кўрсатилади (3-босқич) ва демак тезиснинг чинлиги исботланади. Масалан, «Материя ҳаракатсиз мавжуд» деган ҳукм чин бўлса «Моддий предметлар структурасиз мавжуд» деган фикр (антитезисдан келиб чиққан натижа) ҳам чин бўлади. Бизга маълумки, моддий предметлар структурасиз (уни ташкил қилувчи элементлар ва уларнинг ўзаро алоқасисиз) мавжуд эмас. демак «Материя ҳаракатсиз мавжуд» деган фикр хато, шу тариқа «Материя ҳаракатсиз мавжуд эмас» деган фикрнинг чинлиги асосланади.

Айирувчи исботлашда тезис соф айирувчи ҳукмнинг (кучли дизъюнкциянинг) бир аъзоси бўлиб, унинг чинлиги бошқа аъзоларининг (антитезиснинг) хатолигини кўрсатиш орқали асосланади. Масалан «Жиноятни ё А, ё В, ё С шахслар содир этган» деган фикр текширилиб, «Жиноятни В шахс ҳам, С шахс ҳам содир этмаганлиги аниқланади ва шу тариқа «Жиноятни А шахс содир қилган» деган ҳукмнинг чинлиги асосланади. Бу мисолда айирувчи исботлаш айирувчи-қатъий силлогизмнинг инкор этиб-тасдиқловчи модуси бўйича қурилган:

$$\frac{a \vee b \vee c; \bar{b} \wedge \bar{c}}{a}$$

Барча муқобил вариантлар тўлиқ олингандагина хулоса чин бўлади, яъни тезис исботланади.

2. Далиллаш ва унинг хусусиятлари.

Мантиқ илмида исботлаш ва далиллаш тушунчалари ўзаро фарқланади. Далиллаш деб, бирор фикр, мулоҳазани ёки мулоҳазалар тизимини воқеликка бевосита мувожаат қилиш йўли билан (кузатиш, тажриба-эксперимент ва ҳоказо асосида) ёки чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазалар ёрдамида асослаб беришга айтилади. Далиллаш бевосита ёки воситали бўлади. Бевосита далиллаш ҳиссий билишга, яъни кўриш, тажриба-эксперимент орқали амалга оширилади. Воситали далиллаш эса, чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазаларга асосланади ва хулоса чиқариш кўринишида намоён бўлади. Далиллашнинг биринчи усули эмпирик, иккинчи усули назарий билимларга асосланади. Назарий ва эмпирик билимларнинг чегараси нисбий бўлганлиги каби, далиллашнинг юқоридаги икки усулга ажратилиши ҳам нисбийдир.

Далиллашнинг хусусий кўриниши мантиқий исботлашдир. Мантиқий исботлаш деб, бирор фикр, мулоҳазанинг чинлигини, чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазалар орқали асослашга айтилади. Исботлашдан мақсад-бирор фикрнинг чинлигини аниқлаш бўлса, далиллашдан мақсад ҳам фикрнинг чинлигини аниқлаш, унинг аҳамиятини ва муайян фаолият учун қўллаш мумкинлигини асослашдир. Исботлаш жараёнида қўлланиладиган чин мулоҳазалар (асослар) берилган фикрнинг чинлигини тасдиқлаш учун хизмат қилса, далиллаш, бундан ташқари, далилланаётган фикрнинг бошқа шу каби фикрлардан афзалроқ эканлигини асослаш учун ҳам хизмат қилади. Далиллаш учун келтирилган аргументлар (асослар) исботлаш учун келтирилган аргументларга нисбатан ранг-баранг бўлади. Далиллаш шакллари билан исботлаш шакллари бир-бирига айнан мос тушмайди.

Исботлаш хулоса чиқариш кўринишида амалга ошади. Далиллаш кўпроқ суҳбат (диалог) кўринишида бўлиб, унинг иштирокчиларидан ҳар бири ўз фикрининг чинлигини исботлашга, рақибининг фикрини рад этишга ва

тингловчиларнинг ўзини ҳам фикр қилишга, ўз фикрларига ишонтиришга ҳаракат қилади.

Далилillas жараёнида реципиентларга (лот - қабул қилувчи) – тингловчиларга бирор фикрнинг тўғри ёки хатолиги асослаб берилади ва уларда шу фикрга нисбатан ишонч туйғуси шакллантирилади. Далилловчи шахснинг сўз санъатини қай даражада эгаллаганлиги, яъни нотиклик маҳорати тингловчиларда ишонч-эътиқоднинг шаклланишида муҳим рол ўйнайди.

Фактлар ва бошқа далилларга таяниб юритиладиган фикр юксак ишонтириш кучига эга бўлади, кишиларда ишонч-эътиқодни шакллантиради. Билишнинг мақсади илмий асосга эга бўлган эътиқодни яратишдан иборат. Далилillas ва исботillas ишонч-эътиқодни шакллантириш воситасидир.

Ишонч-эътиқод бу кишиларнинг хулқ-атвори ва ҳатти-ҳаракатларини белгилаб берадиган қарашлари ва тасаввурларидир.

3. Исботillas турлари ва методлари.

Ўзининг мақсадига кўра исботillas икки турга бўлинади:

1) Исботillas; 2) Рад қилиш (раддия)

Тезиснинг чин эканлигини аниқillas воситаси сифатида хизмат қиладиган исботillas, одатда, исбот деб аталади.

Тезиснинг хато эканлигини аниқillas воситаси сифатида хизмат қиладиган исботillas раддия дейилади.

Тезиснинг хато эканлиги бир неча мантиқий усуллар билан очиб берилади. Одатда, исботillasнинг бу шакли воситасида рад этиладиган ҳукм ва чин ҳукмлар орасидаги муносабат асос сифатида келтирилиб, қарама-қаршилиқ муносабати аниқланади. Маълумки, мантиқий зиддиятсизлик қонунига мувофиқ бир-бирига қарама-қарши бўлган икки ҳукм бир вақтда чин бўла олмайди. Шу боисдан, рад қилинадиган ҳукмга қарши турувчи ҳукмнинг чинлиги келтириб чиқарилади. Демак, рад қилиш учун рад қилинадиган ҳукмга қарама-қарши турувчи чин ҳукмни топиш ва шу воситасида раддияни амалга ошириш мумкин.

Масалан, агар бирор босқинчи давлат бошлиқлари сулҳ тузиш тарафдори эканликларини баён қилсалар, бу баёнотнинг хато эканлиги унга зид турувчи далилларни келтириш билан рад қилинади.

Аmmo, хато тезисни рад қилиш учун фақатгина ўрганилган далилларга оид билимлардан фойдаланилмайди. Баъзан, тезиснинг хатолигини исботлаш учун асос сифатида чинлиги олдин исбот этилган ҳукмлар ҳам ишлатилади. Масалан, ҳамма феъллар ҳаракатни ифодалаши ҳақидаги фикр унга қарама-қарши бўлган ҳолатни ифодаловчи феъллар ҳам мавжудлиги ҳақидаги фикрни келтириш воситасида рад қилинади. Бошқа мисол, ҳеч бир гап бир сўздан ташкил топмайди, деган фикр баъзи гаплар бир сўздан ташкил топган бўлади, деган фикр билан рад қилинади. Бу ерда жузъий ҳукм воситасида умумий ҳукм, умумий фикр рад қилинади.

Агар, бирор киши бирор бир тезиснинг чинлигини исботламоқчи бўлса, у вақтда шу тезисни тасдиқлаш учун асос келтиради.

Келиб чиққан тезис рад этиладиган бўлса, у ҳолда мавжуд тезис тасдиқланган бўлади.

Шунинг учун, агар тезис инкор этилаётган бўлса ёки рад этилиши тахмин қилинаётган бўлса, бу ҳолда тезиснинг чинлигини исботлаш ҳимоя қилиш деб аталади.

Шундан келиб чиқиб, номзодлик диссертациясини ёки докторлик диссертациясини ёки диплом ишини ҳимоя қилиш дейилади.

Рад қилиш исботлашнинг муҳим туридир. Ҳақиқатни аниқлаш учун хато, ёлғон фикр билан курашиб, уни рад қилиш керак бўлади.

2. Исботлаш ўзининг шакли жиҳатидан икки хил бўлади:

1. Бевосита исботлаш.

2. Воситали исботлаш.

Асослари (далиллари) тезиснинг чин эканлигини бевосита аниқлайдиган исботлаш бевосита исботлаш дейилади. Бевосита исботлашда тезиснинг чинлиги чин бўлган асослардан келиб чиқади. Чин асослар (далиллар) ни

келтириб, тезиснинг чинлигини тасдиқлашимиз бевосита исботлаш дейилади.

Воситали исботлашда тезиснинг чинлиги тезисга зид бўлган (антитезис) ҳукмни қўллаш воситасида аниқланади. Яъни, тезиснинг ҳақиқийлиги антитезисни рад қилиш воситасида аниқланади.

Шу боисдан, воситали исботлашда тезиснинг чинлиги тезисга зид бўлган ҳукмнинг хато эканлигини исботлаш натижасида аниқланади.

Тезисга зид бўлган ҳукмлар антитезис дейилади. Воситали исботлашда антитезиснинг хатолигини кўрсатиш воситасида тезис исбот этилади.

Тезисга зид бўлган ҳукм – антитезис икки хил шаклда бўлади. Антитезиснинг шаклларида бири тезисга нисбатан альтернатив ҳукм бўлади. Масалан, Т тезиси учун унинг инкори, яъни $\neg T$ антитезис ҳисобланади. Антитезиснинг бошқа шакли аъзолари тезисга мувофиқ бўлмаган айирувчи мураккаб ҳукм ҳисобланади. Масалан, $A \vee B \vee C$ айирувчи мураккаб ҳукмда А тезис учун В ва С қисмлари антитезис ҳисобланади.

Антитезиснинг таркибий тузилиши жиҳатидан фарқини асос қилиб олган ҳолда воситали исботлаш қуйидаги икки турга ажратилади:

- 1) воситали айирувчи исботлаш;
- 2) воситали апогогик (юнон. *apogoge* – четга, орқага чиқиш) исботлаш.

Тезис воситали айирувчи исботлашда тахминий фикрнинг қисмларидан бири бўлиб, бу тахминий фикр мазкур предметга мансуб бўлган барча тахминий фикрларни ўз ичига олади. Бунда тахминий фикрнинг битта аъзосидан ташқари қолган барча аъзоси рад қилиниб, уларнинг хато эканлиги очилади. Мустасно қилинган ана шу тезис исботланадиган тезис бўлади. Уни истисно қилиб, бошқа тахминий фикрлар рад қилинади, демак, ўша рад қилинмаган тахминий фикр тўғри фикр сифатида эътироф этилади. Бу воситали айирувчи исботлаш қуйидагича формулада кўрсатилади:

$$\frac{T \vee B \vee C, \bar{B}, \bar{C}}{T}$$

Воситали айирувчи исботнинг воситали апогогик исботдан фарқи шундан иборатки, бу исботлаш усулида ўзаро зид бўлган икки ($T \vee T$) ҳукмларгина эмас, балки, бир нача T . B . C ҳукмлар мавжуд бўлади. Ҳақиқатни аниқлаш мақсадида, айти вақтда, уларнинг ҳар иккаласи қисман ёки тўла истисно қилинади.

Бу исботлаш усулида тезисни далиллашни мустасно методи воситасида амалга оширилади. Бундай асослаш жараёнида бир аъзодан бошқа барча айирувчи алоқаларнинг хатолиги кўрсатилади. Бундай воситали исботлаш шакли қатъий айирувчи хулоса чиқаришнинг инкор-тасдиқ модуси ёрдамида амалга оширилади.

Айирувчи исботлаш фақат мавжуд бўлган барча аъзоларни ўз ичига олганда, яъни, у мукамал бўлганда, яъни, $\langle T \vee B \vee C \rangle$ шакли бўлган вақтдагина далилланган ёки ишончли исботлаш бўлади.

Масалан, Коперникнинг (XVI аср) оламнинг гелиоцентрик назарияси шу йўл билан исботланган эди. Коперникдан олдин Птоломейнинг оламнинг геоцентрик тузилиши ҳақидаги талимоти бор эди. Унга кўра Ер ҳаракатсиз, коинотнинг маркази бўлиб, барча сайёралар ва юлдузлар унинг атрофида айланар эдилар. Бундан ташқари астроном Тихо де Браге (XVI аср) Сайёралар ва юлдузлар Қуёш атрофида айланади, Қуёш эса ўз йўлдошлари – сайёралар билан биргаликда Ер атрофида ҳаракатланади дея тахмин қилган эди.

Птоломей, Тихо де Браге ва Коперникларнинг тахминий талимотлари осмоний жисмлар ҳаракати кўринишини тушуниш учун бир имконият бўлди. Шунинг учун, кейинги илмий кашфиётлар Птоломей ва Брагенинг тахминий талимотларини рад қилди, Коперникнинг олам системаси ҳақидаги таълимоти исботланди ва у фан томиндан қабул қилинди.

Айирувчи воситали исботлашдан баъзан, ҳуқуқшунослар ҳам тадқиқот вақтида фойдаланадилар. Масалан, текширишлар давомида маълум бўлишича маълум бир жинойтни фақат ёки А ёки В ёки С ва ёки D шахслар содир этганлар ва кейинчалик, жинойтни В ҳам, С ҳам, D ҳам содир

этмаганлиги аниқланган. Шунга таянган ҳолда жиноятни А шахс содир этган эканлиги исботланган.


Воситали апогогик исботлашда тезиснинг чинлиги тезисга зид бўлган ҳукмни рад этиш орқали аниқланади. Бунда тезисни исботлаш қуйидагича амалга оширилади.

Аввало, агар Т тезис келиб чиққан бўлса, у вақтда унга зид бўлган ҳукм, яни

$\neg T$ ни аниқлаб, у антитезис шартли равишда чин дея эътироф этилади.

(Бу воситали исботлаш эҳтимоллиги ҳисобланади).

Чин сифатида қабул қилинган антитезис эҳтимолий ҳукм ($\neg T$) ҳисобланиб, ундан асос сифатида $\neg T \rightarrow C$ нинг барча оқибатлари келтириб чиқарилади. Бу воситали исботлаш жараёнини қуйидагича ифодалаш мумкин:



Бундан кейин антитезисдан келтириб чиқарилган оқибатлар чинлиги аниқланган ҳукмлар билан солиштирилади. Бундай ҳукмлар, фикрлар, билимлар текширилган ишончли далилларга, аксиоматик билимларга ва бошқа илмий ҳақиқатларга тегишли бўлади.

Шунинг учун оқибатларнинг хатолигидан мантиқан, $\neg T$ эҳтимолийлигининг хато эканлиги келиб чиқади. Шартли қатъий хулоса чиқаришнинг инкор шаклида келиб чиқадиган бу исботлаш усулини қуйидагича ифодалаймиз:

$$\frac{\neg T \rightarrow C, \neg C}{\neg T}$$

Охирида, $\neg T$ эҳтимолийликнинг хато бўлишидан учинчиси истисно мантиқий қонунига асосан, T нинг чин эканлиги келтириб чиқарилади. Бундай воситали апогогик исботлашнинг охирги қисми шаклини қуйидаги формула воситасида ифодалаш мумкин.

$$\frac{T \vee \neg T, \neg T}{T}$$

Воситали апогогик исботлашни фақат тезис ва антитезис орасида зиддият муносабати мавжуд бўлиб, уларнинг қоидаларидан бири (учинчи имкон йўқ) амал қилган вақтдагина қўллаш мумкин бўлади. Агар бошқа номувофиқ шакллар мавжуд бўлса, у ҳолда воситали апогогик исботлашни қўллаб бўлмайди.

Бундай воситали мантиқий исботлаш кўпинча математика фанлари соҳасида ишлатилади ва одатда исботлашнинг бу турини зидликдан исботлаш дейилади.

Масалан, машҳур олим Ньютон Ернинг сувни тортишини тўхтатмаслиги ҳақидаги фикрни бундай исботлайди. Агар Ер сувни ўзига тортишни тўхтатса, у вақтда, денгизнинг барча суви Ой юзидан жой олар эди. Лекин, денгиз сувлари юқорига кўтарилиб, Ой юзига чиқмаяпти. Чунки, Ер сувни тортиб туришни тўхтатгани йўқ.

4. Рад этишнинг моҳияти .

Раддия-исботни бузишга қаратилган мантиқий амалдир.

Бирорта фикрнинг чинлигини рад этиш унга зид бўлган фикрнинг хатолигини кўрсатишдан иборат бўлганлиги учун, раддияни исботлашнинг хусусий кўриниши, деб ҳисоблаш мумкин. Раддия ҳам исботлаш каби тезис (рад қилиниши лозим бўлган ҳукм), аргументлар (тезисни рад қилувчи ҳукмлар) ва демонстрациядан (рад этиш усули) дан ташкил топган бўлади. Раддия бирорта масалани муҳокама қилиш яъни баҳс, мунозара жараёнида учрайди. Баҳс катнашчиларидан бири маълум бир тезисни илгари суриб, уни ҳимоя қилса (пропонент), бошқаси унга қарши чиқади (оппонент). Ҳал

қилинмаган, мунозарали масалалар бўйича олиб бориладиган баҳслар полемика ҳисобланиб, унда қарама-қарши тезислар асосланибгина қолмай, балки танқидий анализ ҳам қилинади.

Раддия уч хил усул билан амалга оширилади:

тезисни рад этиш;

аргументларни рад этиш;

демонстрацияни рад этиш.

Тезисни рад этиш

Тезисни рад этишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

Фактлар орқали рад этиш. Бу энг ишончли ва самарали усулдир. Бунда бўлиб ўтган воқеаларга, статистик маълумотларга асосланиб тезис рад этилади. Масалан: «Совет даврида Ўзбекистон мустақил республика бўлган» деган тезисни рад этиш, яъни унинг нотўғри эканлигини исботлаш учун тарихий фактларга асосланамиз. Ўша даврда Республика раҳбарияти бирорта муҳим масалани Москванинг руҳсатсиз ҳал қила олмаганлигига далиллар келтириб, тезисни рад этамиз.

Тезисдан келиб чиқадиган натижаларнинг хатолигини (ёки зиддиятли эканлигини) кўрсатиш орқали рад этиш. Бунда тезисдан келиб чиқадиган натижаларнинг чин эмаслиги асослаб берилади. Бу усул «бемаъниликка олиб келиш», деб аталади. Рад этилаётган тезис вақтинча чин деб тан олинади, ундан келиб чиқадиган натижалар аниқланиб, бу натижаларнинг ҳақиқатга зид, нотўғри эканлиги исботланади. Чин асосдан хато натижа келиб чиқмайди, акс холда бу бемаънилик бўлади. «Бемаъниликка олиб келиш» усулининг формуласи қуйидагича:

$$(a \rightarrow b) \rightarrow ((a \rightarrow \bar{b}) \rightarrow \bar{a})$$

Тезисни антитезисни исботлаш орқали рад этиш. Рад этилаётган тезисга зид бўлган янги тезис (антитезис) олинади ва исботланади. Учинчиси истисно қонунига мувофиқ, антитезиснинг чинлигидан тезиснинг хатолиги келтириб чиқарилади. Масалан, Президентимиз И.А. Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўк» номли мақоласида «Амир Темур буюк саркарда

бўлган ва ёзувликлар қилган» деган тезисни шундай рад этади: «Инсон бир пайтнинг ўзида ҳам бунёдкор, ҳам ёвуз бўлиши мумкин эмас. Не-не мадрасаю-масжидлар, олий кошоналарни қурган, не-не олиму фузалоларнинг бошини силаган, қуръони каримни ёд билган инсон ёвуз бўлмайди. Қонхўр одам «Куч-адолатда» дейиши мумкинми?»

Дарҳақиқат, Соҳибқирон Амир Темур хомийлигида, унинг кўрсатмасига биноан яратилган боғлар, қурилган иморатлар унинг бунёдкор шахс эканлигини яққол исботлайди.

Аргументларни рад этиш.

Тезисни исботлаш учун оппонент томонидан келтирилган аргументлар танқид қилиниб, уларнинг хатолиги ёки тезисни исботлаш учун етарли эмаслиги аниқланади.

Аргументларнинг хатолиги тезиснинг ҳам хато эканлигини исботламайди, бунда тезис чин бўлиши ҳам мумкин:

$$\frac{p \rightarrow q, \bar{p}}{\text{эхтимол, } q}$$

Аргументларни рад этиш орқали тезиснинг исботланмаганлиги асослаб берилади.

Исботлаш усулини танқид қилиш орқали рад этиш.

Рад этишнинг бу усулида исботлашда йўл қўйилган хатолар аниқланади. Бунда рад этилаётган тезис чинлигининг, унинг асослаш учун келтирилган аргументлардан бевосита келиб чиқмаслиги асослаб берилади. Исботлаш усулида йўл қўйилган хато аниқланганда тезис рад этилмайди, уни қайта исботлаш талаб қилинади.

Рад этишнинг юқорида кўрсатилган усуллари кўпинча биргаликда, бири-бирини тўлдирган ҳолда қўлланилади.

Назорат саволлари.

1. Исботлаш қандай структурага эга?
2. Исботлашнинг қандай усуллари мавжуд?
3. Рад этиш исботлаш билан қандай алоқада?

4. Рад этишнинг қандай усуллари биласиз?
5. Исботлаш ва рад этиш қоидаларини бузганда қандай мантиқий хатолар вужудга келади?
6. Муаммоли вазият нима?
7. Муаммони тўғри қўйиш ва ҳал этишнинг қандай шартлари мавжуд?
8. Гипотезанинг моҳияти нимада ва унинг қандай турлари мавжуд?
9. Назария билиш жараёнида қандай вазифаларни бажаради?

4–Мавзу: Мантиқий таҳлил ва мантиқий боғлиқлик.

Режа:

1. Мантиқий таҳлил – замонавий методология асоси.
2. Герменевтик ва структуралистик таҳлил.
3. Мантиқий алоқадорликнинг намоён бўлиши.
4. Таҳлил ва боғлиқлик.

Таянч тушунчалар

1. Тушунча – буюмларнинг умумий ва муҳим белгиларини инсон онгида яхлит акс эттирувчи тафаккур шакли.
2. Анализ – тадқиқ этилувчи объектни фикран таркибий қисмларга ажратиш усули.
3. Синтез – нарса ва ҳодисаларни яхлит, бутун ҳолда олиб, уларнинг таркибий қисмларини ўзаро бир-бир билан боғлаб текшириш усули.
4. Категория – тушунчанинг махсус тури. Категория буюмлар муносабати ва боғланишларини инсон онгида энг умумий тарзда инъокс эттирадиган илмий тушунчадир.
5. Дефиниция – тушунчаларни таърифлаш.
6. Классификация – тасниф, туркумлаш, бу бўлишнинг энг мукамал шаклидир.

1. Мантиқий таҳлил – замонавий методология асоси.

Мантиқий шакллар, қоидалар ва қонунлар умуминсоний характерга эга. Мантиқий қонун ва қоидалар худди грамматика қонун ва қоидалари каби кенг кўламда қўлланилади. У ёки бу тилда сўзлашадиган ёки ёзадиган барча одамлар шу тил грамматикаси қоидаларига риоя қилгани каби бирор нарса ҳақида ёзганларида ва ҳикоя қилганларида шу мантиқий қонун ва қоидаларга риоя қилишлари керак. Бунинг сабаби шуки, грамматика қоидалари у ёки бу сўз ва ибораларга асосланмасдан, балки, кўплаб бир хил грамматик шаклга эга бўлган сўз ва ибораларга асосланади.

Мантиқий қонун ва қоидалар ташкил топиш вақтида бирор-бир аниқ мазмун назардан четлаштирилади. Аммо, агар грамматик қонун ва қоидалар ташкил топиши жараёнида у ёки бу фикрлар нутқий ифодасининг аниқ шакли назардан узоқ бўлса, биз мантиқий қонун ва қоидаларнинг ташкил топиши ва тартибга тушиши давомида фикрларнинг умумий алоқадорлик тарзининг ўзини ажратиб, у ёки бу фикрнинг аниқ мазмунини назардан узоқлаштирамиз.

Шу сабабдан мантиқ ва грамматика қонун ва қоидалари кенг кўламда амал қилиб, тез-тез қўлланиб келинади. Мантиқнинг бу қонунлари ва қонунлар орасидаги ўхшашлик фикр ва нутқ орасида бўладиган ажралмас узвий алоқага боғлиқ.

Аммо, мантиқий ва грамматик қонунлар орасида фарқ бор. Бу фарқ шундан иборатки, грамматик қонунлар фақат шу тилда гаплашадиган одамлар учун умумий бўлади, чунки, ҳар бир тил ўзига хос грамматик тузилиш ва қоидаларга эга. Мантиқ қонун ва қоидалари бўлса, ҳамма учун умумий бўлиб, миллий, синфий характерга эга эмас. Мантиқ қонунлари тил иборалари ва сўзлари воситасида ифодаланганда дарҳол ўзлигини намоён қилади.

Нарса ва ҳодисаларни билиб олиш, тадқиқ қилиш ёки бирор бир масалани амалда ҳал қилиш учун бевосита тажрибага, сезгиларга мурожаат қилмасдан, балки, бундан олдин ҳосил қилинган билимларга асосланамиз.

Олдин ҳосил қилинган билимларимизни янгилари билан ўзаро боғлаб, бирини иккинчиси билан таққослаб, янги билимларни – хулосаларни ҳосил қиламиз. Баъзан, бу билимлар ёрдамида тўғрилиги аниқланмай турган фикрларни исботлаймиз.

Зеро, фикрлаш нарса ва ҳодисаларни билиб олиш, тадқиқ қилиш вақтида кўпроқ ақлий хулоса чиқаришдан фойдаланамиз. Хулоса чиқаришни ақлий амалиёт дейдилар, чунки, уни тафаккур жараёнида ишлатамиз. Ақл ёрдамида, зехн ёрдамида, ҳиссиёт воситасида ҳосил қилган олдинги билимларимизга таяниб хулосавий билим келтириб чиқарилади.

Одам ердан осмоний жисмларга қадар бўлган масофани бевосита ўлчаб чиқмаган, лекин, у бу масофани хулоса чиқариш асосида билади. Ёки тарихчилар археологик билимларни ўрганиб бевосита мушоҳада қилиб бўлмайдиган тарихий ҳодисалар, воқеалар ҳақида хулоса чиқариш ёрдамида янги билим ҳосил қиладилар. Хулоса чиқариш шундай мантиқий усулки, ундан барча соҳада олдин ҳосил қилинган, ўрганилган, синалган билимлар асосида янги билимни ҳосил қилиш учун фойдаланилади. Масалан, тилшунослар маҳаллий шевалардаги сўзларни ўрганиб, мазкур тилнинг бевосита мушоҳада қилинмаган турларининг хусусиятлари ҳақида хулоса чиқарадилар. Ўқитувчи ўргатиш давомида талабаларга маълум бўлган нарсаларни тушунтириш учун олдинги билим ва фикрлардан фойдаланган ҳолда иш тутади.

Биз хулоса чиқариш вақтида бевосита тажриба ва амалиётга мурожаат қилмаймиз, чинлиги амалиётда текшириб кўрилган билимларга таяниб иш тутаемиз. Шу йўл билан, яъни амалиётда текшириб кўрилган билимларга таяниш билан янги билимлар ҳосил қиламиз. Масалан, бизга қуйидаги икки фикрнинг чинлиги маълум: – “Шоир В нинг ҳамма асарлари С услубда ёзилган”. “Бу асар С услубида ёзилмаган”. Бу ҳукмлардан биз бевосита тажрибига мурожаат қилмаган ҳолда “Бу асар шоир В нинг асари эмас” деган янги билимни ҳосил қиламиз. Бу ерда ҳам олдинги фикрларнинг – асосларнинг чинлиги тажрибада исботланган.

Шунинг учун, бевосита тажрибага, амалиётга мурожаат қилмасдан, олдинги амалий тажрибада исботланган, синалган билимлардан мантиқ қонунларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган билим хулосавий билим дейилади.

Мантиқ фанининг асосий вазифаларидан бири хулоса чиқариш давомида тўғри фикрлаш қонун қоидалари алоқасини ўрганишдир. Шунинг учун хулоса чиқариш, унинг турли-туман шакллари ва турлари мантиқ фанининг муҳим қисми ҳисобланади. Мантиқ фани хулоса чиқаришдан ташқари бошқа мантиқий шакллар – тушунча, ҳукм, мантиқий қонунлар ва мантиқий исботлашларни ўрганади.

Аналогия (грек. - мослик, ўхшашлик) бавосита хулоса чиқаришнинг бир туридир. Дедуктив хулоса чиқаришда фикр умумийликдан хусусийликка қараб, индукцияда хусусийликдан умумийликка қараб ҳаракатланса, аналогияда эса бир хусусий ҳолатдан бошқа хусусий ҳолатга қараб ҳаракатланади.

Аналогияда предметларнинг ўхшаш хоссаларига асосланиб хулоса чиқарилади. Табиат ва жамиятда объектив турли-туманлик билан бир қаторда, объектив ўхшашлик ҳам мавжуддир. Улар инсон онгида ўз ифодасини топади. Объектив реалликнинг турли соҳаларига оид қонун ва қоидалар тузилиши жиҳатидан ўхшаш бўлса, улар акс эттирган воқеаликдаги турли нарса ва ҳодисалар ҳам маълум маънода ўхшаш бўлади.

Аналогия бўйича хулоса чиқариш объектив реалликнинг чексиз кўринишлари ҳамда унда мавжуд бўлган турли системаларнинг хоссалари, муносабатлари, структураларидаги ўхшашликларга асосланади. Масалан, сайёралар, давлатлар, ижтимоий тузумлар моҳиятида ўхшашлик бор. Билишда муҳим ва номуҳим хоссалар ўхшашлиги асосида аналогия бўйича хулоса чиқарилади.

Аналогия воситасида бир предметдан (моделдан) бошқа предметга (прототипга) ахборот ўтказилади. Хулоса асослари моделга, хулоса прототипга тааллуқли бўлади. Масалан, қадимги грекларнинг «Дедал ва Икар»

афсонасида айтилишича, ота ва бола қулликдан озод бўлиш учун ўзларига қанот ясашади ва учиб кетишади. Бунда хулоса чиқариш қуйидаги кўринишда бўлади:

Қуш тирик мавжудот, унинг қаноти бор, у учади.

Инсон ҳам тирик мавжудот, унинг қаноти йўқ, у учмайди.

Инсоннинг ҳам қаноти бўлса, у, эҳтимол учади.

Аналогия бўйича хулоса чиқариш бошқа хулоса чиқаришлар каби асослардан, хулосадан ва асослар ҳамда хулоса ўртасидаги мантиқий алоқадан иборатдир. Унинг хулосаси эҳтимолий шаклда бўлиб, кейинги текширишларни талаб қилади. Аниқ асослардан баъзан аниқ, баъзан эҳтимолий хулоса чиқади.

Аналогия ўзининг объектив асосига эга. Булар предметлар, уларнинг хоссалари ўртасидаги алоқалар ва муносабатлардир.

Хусусиятлар аналогияси ва муносабалар аналогияси.

Моделдан прототипга ўтказилаётган ахборотнинг табиатига кўра аналогиянинг икки тури фарқланади: хусусиятлар аналогияси ва муносабатлар аналогияси.

Хусусиятлар аналогиясида икки яқка предмет ёки бир турдаги икки предметлар синфи ўхшаш белгиларига кўра ўзаро таққосланади. Ўхшаш белгиларга асосланиб, бирида мавжуд бўлган белгининг бошқасида ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқарилади. Масалан, Ер ва Қуёш қатор муҳим хоссаларига кўра ўхшашдир, яъни улар бир сайёралар тизимида кирувчи осмон жисмларидир, иккиси ҳам ҳаракатда, кимёвий таркиби ҳам ўхшаш. Ана шу ўхшашликларга асосланиб олимлар Қуёшда топилган янги элемент-гелий Ерда ҳам бўлса керак, деган хулосага келганлар. Аналогия йўли билан чиқарилган бу хулосанинг чинлиги кўп ўтмай тасдиқланди – Ерда ҳам гелий элементи топилди.

Бу мисолда икки предметнинг ўхшашлигига асосланиб, бирида мавжуд бўлган белгининг бошқасида ҳам борлиги ҳақида хулоса чиқарилди. Ўхшатилаётган предметларни А ва В ҳарфлари билан, белгиларни а, в, с,

харфлари билан ифода қилсак, хусусиятлар аналогиясини қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

А предмети а, в, с, d белгиларга эга

В предмети а, в, с белгиларга эга

Эҳтимол, В предмети d белгига эгадир.

Бу формула аналогия бўйича хулоса чиқаришнинг типик схемасидир. Унда бир предмет ҳақидаги билим шунга ўхшаш бошқа предмет ҳақидаги билимдан хулоса шаклида келтириб чиқарилади.

Муносабатлар аналогиясида икки якка предмет, ёки бир турдаги икки предметлар синфи ўртасидаги муносабатларнинг ўхшашлигига асосланилади. Икки турдаги (а R b) ва (m R₁ n) муносабатларни таққосласак, а-m га, b-n га ўхшаш эмас, лекин улар ўртасидаги R-R₁ муносабатларнинг ўхшашлиги бизга хулоса чиқариш имконини беради. Масалан, И. Кеплер планеталар ҳаракатининг қонунини очганда, самовий жисмларнинг ўзаро тортишиш кучини инсонлар ўртасидаги муҳаббатга таққослайди, шу асосда астрономияга тортишиш кучи тушунчасини киритади. Муносабатлар аналогиясининг формуласи қуйидагича:

$$\begin{array}{c} \vdash \qquad \qquad \qquad a \\ \qquad \qquad \qquad R \ b \\ \hline \qquad \qquad \qquad M \\ \qquad \qquad \qquad R_1 \ n \end{array}$$

Муносабатлар аналогиясида икки предметлар ўхшашлиги ҳақида эмас, икки предмет ўртасидаги муносабатни ўрганиш асосида бошқа икки предмет ўртасидаги муносабат ҳақида хулоса чиқарилади.

2. Герменевтик ва структуралистик таҳлил.

Герменевтик таҳлил. Тушуниш билан бир қаторда, – тушунтириш ҳам мавжуд. *Тушунтиришнинг бош мақсади – ўрганилаётган предметнинг моҳиятини, ривожланиш сабаблари, шартлари ва манбаларини, ҳаракат механизмларини аниқлашдан иборат.* Тушунтириш одатда тавсифлаш билан чамбарчас боғлиқ ва илмий башоратнинг негизини ташкил этади. Шунинг

учун ҳам тушунтириш деганда умумий тарзда муайян ҳодисани умумлаштиришни тушуниш мумкин. Тушунтириш объектнинг моҳиятини очиб бериш билан бирга, тушунтиришни асослашда фойдаланилган билимларга аниқлик киритиш ва уларни ривожлантиришга ҳам кўмаклашади. Хуллас, тушунтириш вазифаларини ҳал қилиш илмий билим ва унинг концептуал аппарати ривожланишининг муҳим стимулидир.

Илмий тушунтиришнинг дедуктив-номологик модели илмий билишнинг ҳозирги методологиясида кенг қўлланилади. Бу модель (схема) тушунтирилаётган ҳодисани маълум қонунга боғлайди – унинг асосий хусусияти ана шунда. Мазкур моделда тушунтириш ҳодисани қонунлардан келтириб чиқаришни назарда тутди. Бунда мунтазам ва зарур муносабатларнинг нафақат сабабий, балки функционал, структуравий ва бошқа турларига ҳам қонунлар деб қаралади. Тушунтиришнинг дедуктив-номологик модели фандаги реал тушунтириш жараёнини эмас, балки пировард натижанигина тавсифлайди.

Гуманитар, ижтимоий фанлар соҳасида оқилона тушунтириш усули қўлланилади. Оқилона тушунтиришнинг моҳияти шундан иборатки, маълум тарихий шахснинг қилмишини тушунтиришда тадқиқотчи мазкур субъектнинг айна қилмишига нима туртки берганлигини аниқлаш ва ушбу мотивлар нуқтаи назаридан қилмиш оқилона бўлганлигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади.

Телеологик ёки интенционал тушунтириш ҳаракатнинг оқилоналигини эмас, балки ҳаракат қилаётган шахс кўзлаган мақсадни, тарихий ҳодисалар иштирокчиларининг ниятини кўрсатиб беради. Машҳур файласуф ва мантиқчи Г.Х.фон Вригт фикрига кўра, телеологик тушунтириш «инсон ҳақидаги фан методологиясида узоқ давр етишмаган ва қонун орқали тушунтириш моделининг ҳақиқий муқобили бўлиб хизмат қиладиган тушунтириш моделидир»⁶.

⁶ Вригт Г.Х. фон. Логико-философские исследования. – М.: Наука, 1986. – С. 64.

Бунда шуни назарда тутиш керакки, биринчидан, дедуктив-номологик модел (схема)га баъзан тушунтиришнинг бирдан-бир илмий шакли деб каралади. Ваҳоланки, бу нотўғри (айниқса, гуманитар фанларга татбиқан). Иккинчидан, айрим шахсларнинг хулқ-атворини тушунтиришда мазкур моделни қўллаш мумкин эмас – бу ерда рационал ва интенционал схемалар амал қилади.

Ижтимоий билишда бу иккала схема дедуктив-номологик тушунтиришга нисбатан устун туради. Дедуктив-номологик тушунтириш гуманитар фанларда ҳам қўлланилади, аммо бу ерда у табиатшуносликдаги сингари муҳим ўринни эгалламайди.

Тушуниш ва тушунтириш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Аммо тушуниш тушунтиришни, яъни ўрганилаётган ҳодисани қонунга ва сабабга боғлашни назарда тутмаслигини унутмаслик керак. Бундан ташқари, тушунишни тушунтиришга қарама-қарши қўйиш, шунингдек инсон билиш фаолиятининг ҳар қандай соҳасида фаолият кўрсатувчи ва бир-бирини тўлдирувчи бу икки тадқиқотларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас.

Уларни фарқлаб, М.М.Бахтин шундай деб ёзган эди: «Тушунтиришда фақат бир онг, бир субъект, тушунишда эса – икки онг, икки субъект қатнашади. Объектга нисбатан диалогик муносабат бўлиши мумкин эмас, шунинг учун ҳам тушунтириш диалогик жиҳатларга эга эмас (формал-риторик жиҳатдан ташқари). Тушуниш ҳар доим маълум даражада диалогик хусусиятга эга»⁷.

Тушунтириш ва тушуниш (талқин қилиш)нинг ўзаро нисбати тўғрисида сўз юритар экан, Вригт мазкур тушунчаларни фарқлаган маъқул деб кўрсатади. Бу фарқни у қуйидагиларда кўради: «Бу нима?» деган саволга жавоб бериш талқин қилишнинг натижасидир. Айтайлик, намойиш нима учун содир бўлди ёки инқилобга нима «туртки» берди?, деган саволларга жавоб берар эканмиз, биз содир бўлаётган ҳодисаларни нисбатан тор маънода тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

⁷ Бахтин М.М. Автор и герой. К философским основам гуманитарных наук. – СПб.: Питер, 2000. – С.306.

Бундан ташқари, бу икки омил ўзаро боғлиқ ва маълум тарзда бир-бирига таянади... Бир даражадаги тушунтириш кўпинча далилларни янада юқори даражада талқин қилишга замин ҳозирлайди»⁸.

Аммо ижтимоий билишда, авваламбор, унинг предмети хусусияти билан белгиланувчи тушуниш методикалари, табиатшуносликда эса – тушунтириш методикалари устун қўйилади.

3. Мантиқий алоқадорликнинг намоён бўлиши.

Диалектика (юнон. *dialektika* — баҳс, суҳбат) табиат, жамият ва билиш тараққиёти қонуниятлари ҳамда уларнинг асосида шаклланадиган умумий тафаккур услуби ва амалий фаолият ҳақидаги таълимотдир. У грек тилида баҳс ва суҳбатлашиш санъати, деган маънони англатади. Антик дунё файласуфлари уни ҳақиқатга эришиш йўли ва усули сифатида талқин этганлар. Ҳозирги даврга келиб диалектика оламдаги нарса ва ҳодисалар доимо ўзгаришда, ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликда, тараққиёт ва ривожланишда, деб тушунишга асосланади. Унга кўра, оламда ўз ўрнига ва жойига, яшаш вақти ва ҳаракат йуналишига эга бўлган барча нарсалар ва воқеалар бир-бирлари билан боғлиқ ва алоқадор тарзда, бир-бирларини тақозо этадиган, доимий ва такрорланиб турадиган боғланишлар орқали намоён булади.

Масалан, инсоният тарихида бу усулга ёндашилганида, у узлуксиз тарзда рўй берадиган авлодлар ўрин алмашуви, бирининг ўрнига иккинчиси келиши, муайян кадриятларни мерос қолдириши ва янгиликнинг эскиликни инкор қилишидан иборат доимий ва такрорланиб турадиган жараёндир. Башариятнинг муайян даврида эса, шу вақтнинг ижтимоий манзарасини белгилайдиган турли уруғ ёки қабилалар, давлат, миллат ва халқлар, оқим ва йўналишлар, ғоя ва мафкураларнинг хилма-хил шаклларини кўриш, уларнинг бир-бири билан узвий алоқадорликда намоён бўлишини кузатиш мумкин.

Тараққиёт жараёнида авлодлар, даврлар, сиёсий тузумлар, умуман ижтимоий воқеа ва ҳодисалар ўз-ўзидан автоматик тарзда содир бўлиб, ном-

⁸ Вригт Г.Х. фон. Логико-философские исследования. – М.: Наука, 1986. – С.164.

нишонсиз йўқолиб кетмайди. Балки уларнинг барчаси инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқа ва муносабатларнинг хосиласи, ижтимоий жараёнларнинг натижаси, бирор сабабнинг оқибати сифатида намоён булади. Бир давр иккинчисининг ўрнига, бир авлод олдингисидан кейин, бир воқеа бошқасининг ортидан содир бўлиб туради. Ана шу абадий ва азалий узлуксизлик, доимий алоқадорлик, вақтнинг орқага қайтмаслиги ва воқеаларнинг кетма-кетлиги тарзидаги боғланишлар, ривожланиш ва таракқиёт, оламнинг ранг-баранглиги ва уйғунлиги диалектиканинг асосий тамойилларини ташкил қилади.

Фалсафада мазкур тамойилларга асосланган тафаккурни — диалектик тафаккур, ана шундай дунёқарашни — диалектик дунёқараш, ёндашувни — диалектик ёндашув, методни — диалектик метод деб аташ анъанага айланган.

"Метафизика" (*юнон.— физикадан кейин*) - диалектика каби универсал методдир. Бу сўз илмий муомалага эр. ав. И асрда Аристотелнинг шогирди, унинг шеърлари шарҳовчиси Родосский томонидан киритилди.

Кўп ҳолларда, диалектикага қарама-қарши деб талқин этиладиган метафизика оламдаги нарса ва ҳодисаларни ўрганишда уларнинг муайян вақт давомида нисбатан ўзгармасдан, алоҳида турган ҳолатига диққатни кўпроқ қаратадиган усулдир. Бу усул қўлланганида оламнинг намоён бўлиш шакллари ҳамда улар билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг алоҳида қисми ёки ҳолатига асосий эътибор берилади. Воқеа, ҳодиса ва жараёнларни доимий ўзгариш ҳолатида ўрганиш ниҳоятда кийин бўлганлигидан, нафақат файласуфлар, балки барча фан мутахассислари унинг нисбатан тинч ва ўзгармай турган ҳолатини ўрганадилар, тадқиқ этадилар.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, метафизик усулнинг ҳаётда, илмий изланишлар ва фалсафий тадқиқотларда ҳам ўз ўрни бор. Бизда ҳалигача метафизиканинг тушунчалари, категориялари, тамойиллари ва илмий моҳияти изоҳланган ёхуд тадқиқ этилган асарлар, тадқиқотлар йўқ.

Қолаверса, уни диалектика билан бутунлай қарши қилиб қўйиш ва бу фарқни мутлақ зиддият даражасига кўтариш ҳам мақсадга мувофиқ эмас.

Софистика. Софистика фалсафий методлар жумласидан бўлиб, қадимги Юнонистонда мил. ав. V ва IV асрнинг биринчи ярмида ижтимоий-сиёсий ҳаётда хусусий бир йўналиш сифатида пайдо бўлган. Софистика намояндalари Пратагор, Горгий, Гиппий, Антифонт ва бошқалардир.

Бу методдан семантик ва мантиқий қонунларда исталган нарсани исботлаш учун фойдаланилади. Кўпгина дарслик ва қўлланмаларда бу ибора юнон тилидаги "сописм" сўзи асосида, яъни атайлаб хилма-хил маънога эга бўлган тушунчаларни ишлатиш орқали керакли, аммо ҳақиқатга тўғри келмайдиган, кўчма маъно-мазмунга эришиш усули, деб таъкидланади. Бу усул қулланилганда фикрнинг мазмуни кўчма маънода баён қилинади, яъни "Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит ", деганга ўхшаш ҳолат назарда тутилади.

Софизм — қарама-қарши фикрлар асосида ихтиёрий танланган фойдали мулоҳаза бўлиб, унинг ёрдамида ҳар қандай нарса ёки фикрни исботлай олиш мумкин. Масалан: *“Аристотелнинг ёзишича, бир афиналик аёл ўғлига, жамоа ишларига аралашма, чунки агар тўғри гапирсанг, сени одамлар; ёлгон сўзласанг — Худолар ёмон кўради”* - деган экан. Софизмга кўра афиналик аёлга шундай рад жавоби бериш мумкин: сен жамоа ишларида иштирок қилишинг керак, чунки тўғри сўзли бўласан ва бунинг учун сени Худолар ҳам, одамлар ҳам яхши кўради. Софистикага фақат салбий муносабатда бўлиш ноўриндир. Шу маънода, софистика инсоният тафаккурининг умумий тараққиётида ўз ўрни ва аҳамиятига эга.

Эклектика – *ҳеч қандай билим фаолияти билан боғланмаган, бир-бирига зид далилларга асосланади ва оламни бузиб ёлгон акс эттиради. У нарса ва ҳодисаларнинг иккинчи даражали белги хусусиятларини бўрттириб кўрсатиш орқали нотўғри билим ҳосил қилади.*

Методологик усул сифатида эклектика ҳозирги даврда ҳам реклама ва ташвиқотда, оммавий коммуникатсия тизимида қўлланилиб, инсон

психикасидаги анъаналар, кўникмалар, интилишларни бўрттиради. Бундай усулнинг бемаънилигини Сукрот ва Аристотелдан бошлаб, ҳозирги давр мутафаккирларигача танқид қиладилар. Аммо бу ундан фойдаланилмасликни англамайди. Эклектика олам, нарса ва ҳодисаларнинг бир бутунлигини, умумий асосларини парчалаб ташлаш услубига таянади.

Синергетика. Ҳозирги замон фанида синергетика методи кенг қўлланилмоқда. *Синергетика сўзи юнонча ("синергена") бўлиб, келишув, ҳамкорлик, ўзаро таъсир каби маъноларни англатади.*

Синергетика — оламнинг ўз-ўзини ташкил этиши, макон ва замонда нарса ва воқеаларнинг азалий кетма-кетлиги, ўзаро алоқадорлиги, уларнинг муайян тизимлардан иборат сабабий боғланишлар асосида мавжудлигини эътироф этишга асосланган илмий қарашлар мажмуидир. Бу таълимотни диалектика асосида шаклланган ва уни тўлдирадиган илмий қарашлар мажмуаси дейдиганлар ҳам бор. Уларга қарши ўлароқ, диалектика энди керак эмас, уни синергетика билан алмаштириш лозим, деб ҳисобловчилар ҳам йўқ эмас.

2. *Умумилмий ёндашувлар ва тадқиқот методлари* улар фалсафа билан махсус фанларнинг фундаментал назарий-методологик қоидалари ўртасида ўзига хос «оралиқ методология» бўлиб хизмат қилади. Умумилмий тушунчалар қаторига кўпинча «ахборот», «модел», «тузилма», «функция», «тизим», «элемент», «оқилоналик», «эҳтимоллик» сингари тушунчалар киритилади.

Хусусий илмий методлар–материя ҳаракатининг асосий шаклига мос бўлган муайян фанда қўлланиладиган билиш усуллари, тамойиллари, тадқиқот усуллари ва тартиб-таомиллари мажмуи. Механика, физика, кимё, биология ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг методлари шулар жумласидандир.

Фан методлари–маълум фан тармоғига кирувчи ёки фанлар туташган жойда вужудга келган муайян фан соҳасида қўлланиладиган усуллар тизими.

Ҳар бир фундаментал фан, моҳият-еътибори билан, ўз предметига ва ўзига хос тадқиқот усулларига эга бўлган соҳалар мажмуидир.

Фанлараро тадқиқот методлари—асосан фан соҳалари туташган жойда амал қиладиган (методологиянинг турли даражаси элементларини бирлаштириш натижасида юзага келган) бир қанча синтетик ва интегратив усуллар мажмуи. Мазкур методлар комплекс илмий дастурларни амалга оширишда кенг қўлланилади.

4.Таҳлил ва боғлиқлик.

Белгилар деб, предметларни бир-биридан фарқ қилувчи ҳамда уларнинг бир-бирига ўхшашлигини ифода қилувчи томонларга, хусусиятларга айтилади. Ҳар бир предмет оламдаги бошқа предметлар билан (бевосита ёки билвосита) алоқада бўлганлиги учун кўп белгиларга эга. Уларнинг баъзилари фақат битта предметга хос бўлган, унинг индивидуал, яқкалик белгиларини ташкил қилса, бошқалари предметнинг маълум бир гуруҳига тегишли бўлиб, умумий белгилар ҳисобланади. Масалан, ҳар бир киши фақат ўзигагина хос бўлган руҳий кечинмалар ва шу каби индивидуал белгиларга эга. Шунинг билан бирга кишиларнинг маълум бир гуруҳига (меҳнат жамоаси, миллат ва шу кабиларга тегишли) ёки барча кишиларга (меҳнат қилиш, фикр юритиш қобилиятлари, ижтимоий муносабатларда иштирок қилиши ва шу кабилар) хос бўлган умумий белгиларга эга.

Индивидуал ва умумий белгиларнинг баъзилари предметнинг мавжуд бўлиши учун зарур бўлиб, унинг табиатини, моҳиятини ифодалайди. Бундай белгилар предметнинг муҳим белгилари дейилади. Масалан, давлатнинг мавжуд бўлиши унинг ўз майдони, аҳолиси, ҳокимият органларига эга бўлишини тақоза этади.

Номуҳим белгилар предметнинг моҳиятини ташкил қилмайди. Уларнинг йўқолиши билан предметнинг табиати ўзгармайди. Масалан, қайси ирққа, миллатга, жинсга тааллуқли бўлиши индивиднинг инсон сифатида мавжуд бўлиши учун муҳим эмас.

Шуни ҳам айтиш лозимки, предмет белгисининг муҳим ёки номуҳим бўлиши, бизнинг предметга амалда қандай муносабатда бўлишимизга қараб ҳам белгиланади. Хусусан, бир муносабатда муҳим бўлмаган белгилар, бошқа муносабатда муҳим бўлиши мумкин. Масалан, кишининг лаёқати унинг қандай касбни танлаши учун муҳим бўлса, инсон сифатида мавжуд бўлиши учун муҳим эмас. Бундай муҳим белгилар предметнинг маълум бир муносабатдаги муҳим белгилари дейилиб, объектив муҳим белгилардан (предметнинг мавжуд бўлиши билан зарурий алоқада бўлган белгилардан) фарқ қилади.

Ниҳоят, предмет тўхтовсиз ҳаракатда, тараққиётда бўлганлиги учун, вақт ўтиши билан унинг муҳим бўлган белгиси номуҳим бўлган белгига ёки, аксинча, номуҳим белгиси муҳим белгига айланиши мумкин.

Масалан, бевосита кузатиладиган фактлар эмпирик билиш босқичида муҳим аҳамиятга эга бўлса, назарий билиш босқичида унга камроқ мурожаат қилинади.

Демак, тушунчада предмет ўзининг муҳим белгилари орқали фикр қилиниб, бу белгилар предметнинг умумий ва индивидуал белгилари бўлиши мумкин. Масалан, «Хамза Ҳақимзода Ниёзий» тушунчасида предметнинг умумий белгилари (инсон, ёзувчи) билан бир қаторда, индивидуал муҳим белгилари (хусусан, «Бой ила хизматчи» драмасининг муаллифи) ҳам фикр қилинади.

Тушунчанинг ҳиссий билиш шаклларида тубдан фарқ қилишига алоҳида эътибор бериш зарур. Сизги, идрок ва тасаввур предметнинг яққол образларидир. Биз фақат бирорта конкрет предметни, масалан, ўзимиз ёзиб ўтирган қаламни идрок қилишимиз ёки у тўғрисида тасаввурга эга бўлишимиз мумкин. «Умуман қалам»ни идрок қилиб бўлмайди. Чунки тушунча предметнинг яққол образи эмас, балки абстракт образидир. Қалам тушунчаси ўзида конкрет қаламларнинг барчасини қамраб олгани ҳолда, уларнинг ҳар бирига хос бўлган индивидуал белгиларни ташлаб юбориб, умумий, муҳим белгиларини ифода қилади. Айтиш пайтда бу белгилар

каламни бошқа предметлардан, масалан, китобдан фарқ қилдириб турадиган специфик белиглар бўлиб ҳам хизмат қилади.

Тушунча предметнинг номуҳим белгиларидан четлашар экан, демак уни тўлалигича акс эттира олмайди. Бу маънода у ҳиссий билиш шакллариغا нисбатан борликдан узоқроқда туради. Лекин, тушунча предметнинг муҳим белгиларини инъикос қилиши, моҳиятини акс эттириши билан ҳиссий билиш шакллариغا нисбатан борликни чуқурроқ, тўлароқ ифода этади.

Тушунча, ҳиссий билиш шаклларида фарқли ўлароқ, инсон миясида тўғридан-тўғри акс этмайди. У маълум бир мантиқий усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳосил қилинади. Бу усуллар таққослаш, анализ, синтез, абстракциялаш, умумлаштиришлардан иборат.

Таққослаш ёрдамида предметлар ўзаро солиштирилиб, уларнинг ўхшаш, умумий томонлари ва бир-биридан фарқ қилдирувчи индивидуал белгилари аниқланади.

Таққослаш анализни тақоза қилади. Чунки предметларни яхлит ҳолда солиштириб бўлмайди. Улар у ёки бу хоссасига кўра таққосланиши керак. Бунинг учун у хоссалар ажратилиши лозим. анализ ёрдамида предмет фикран уни ташкил қилувчи қисмлар, томонларга ажратилиб, ҳар қайсиси алоҳида ўрганилади.

Синтез анализга тескари усул бўлиб, у анализ давомида ажратилган қисмлар, томонларни фикран бирлаштириб, предметни бир бутун ҳолига келтиришдан иборат. Синтез бўлмаса предмет ҳақида яхлит фикр ҳосил қилиб бўлмайди. Анализ ва синтез узвий боғлиқдир.

Тушунча ҳосил қилиш учун предметнинг юқоридаги усуллар билан аниқланган умумий ва индивидуал белгиларининг муҳимлари ажратилиши, номуҳимлари четлаштирилиши лозим. Бу эса абстракциялаш ёрдамида амалга оширилади.

Умумлаштиришда предметлар уларнинг айрим умумий, муҳим хусусиятларига кўра синфларга бирлаштирилади ва шу тариқа битта

тушунчада бир жинсли предметларнинг барчасини фикр қилиш имконияти яратилади.

Тушунчанинг шаклланиши сўз билан узвий боғлиқ. Улар ўртасидаги алоқадорлик тафаккур ва тил ўртасидаги боғланишнинг конкрет тарзда намоён бўлишидир.

Тушунчалар сўз ва сўз бирикмалари ёрдамида ифода қилинади. Масалан «талаба», «тарих факултети», «Ўзбекистон миллий университети» ва шу кабилар сўзлардан иборат. Лекин бундан тушунча ва сўз айнан бир хилдир, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Битта тушунча ҳар хил тилларда, баъзан бир тилда ҳам турли хил сўзлар билан ифода қилинади. Тилимиздаги омоним ва синоним ҳодисалари сўз ва тушунчанинг нисбий мустақил ҳолда мавжудлигидан далолат беради.

Шуни ҳам айтиш лозимки, сўзнинг кўп маънога эга бўлиши баъзан фикр юритиш жараёнида тушунчаларни аралаштириб юборишга олиб келади. Шунинг учун ҳам фан ва техникада кўпроқ терминлардан фойдаланилади. Термин қатъий битта тушунчани ифода қилувчи сўз бўлиб, муайян илмий билиш соҳасида бир хил маънода ишлатилади.

Тушунча ўзининг мазмуни ва ҳажмига эга. Тушунчанинг мазмунини унда фикр қилинаётган предметнинг муҳим белгилари йиғиндиси ташкил этади. Масалан, «фан» тушунчасининг мазмунини фаннинг муҳим белгилари, яъни унинг амалиёт билан алоқада эканлиги, предметларнинг бирорта соҳасига оид тушунчалар, қонунлар, принциплар шаклидаги объектив чин (ҳақиқий) билимлар системасидан иборат бўлиши, дунёқарашнинг шаклланишида иштирок қилиши ва шу кабилар ташкил қилади.

Назорат саволлари.

1. Тушунча қандай мантиқий усуллар ёрдамида ҳосил қилинади?
2. Тушунчалар ўртасида қандай муносабатлар мавжуд?
3. Тушунчалар билан олиб бориладиган қандай мантиқий амалларни биласиз?

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

1–Мавзу: Тафаккур — мантиқ фанининг ўрганиш объекти.

Режа:

1. Мантиқ илмининг предмети ва вааҳамияти.
2. Тафаккур шакли ва тафаккур қонунитишунчалари.
3. Мантиқ фани ривожланишининг асосий босқичлари
4. Мантиқни ўрганишнинг аҳамияти.

Амалий машғулот машғулотини олиб бориш тартиби:
 Тингловчилардан ихтиёрий равишда кичик гуруҳлар шакллантирилади, мавзу бўйича асосий тушунчаларни жавдал ва схемалари шакллантирилади. Тингловчилар ўзлари бажарган амалларини индивидуал ёки гуруҳий тарзда изоҳлаб, ҳимоя этадилар.


Амалий машғулот машғулотини олиб боришда қўлланиладиган методлар: “Бу меранг”, “Чархпалак”, “Венна диаграммаси”, “БББ” “ФСМУ”, “Тушунчалар изоҳи”

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ

Метод икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан муайян вақт оралиғи ва қатъий қоидаларга мувофиқ ташкил этиладиган оғзаки баҳс бўлиб, тингловчиларда ўрганилаётган мавзу бўйича эркин, асосли фикрларни билдириш қобилиятларини шакллантиришга хизмат қилади. Ўқув машғулотларида баҳс-мунозарадан фойдаланишда мавзуга доир маълум масалалар ҳал қилинади.

Методни қўллашда қуйидаги тартибда иш кўрилади:


- Изоҳ:** 1) бир тингловчи га икки марта сўзга чиқишга рухсат этилмайди;
- 2) ўқитувчи (бошловчи) тингловчиларнинг мавзудан четга чиқмасликларини қатъий назорат қилиб боради, борди-ю, шундай ҳолатлар содир этилса, сўзловчилар бу ҳақида огоҳлантирилади.



“БИЛАМАН. БИЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН. БИЛИБ ОЛДИМ” (БББ) МЕТОДИ

Метод тингловчиларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Уни қўллашда тингловчи лар гуруҳ ёки жамоада ишлашлари мумкин. Гуруҳда ишлашда машғулот якунида гуруҳлар томонидан бажарилган ишлар таҳлил қилинади.

Гуруҳлар фаолияти қуйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:



2–Мавзу: Мантиқ фанининг фикрлаш маданиятини ўстиришдаги аҳамияти.

Режа:

1. Мантиқ илмининг фикрлаш Формал мантиқнинг асосий қонунлари (принциплари).
2. Айният қонуни.
3. Нозидлик қонуни.
4. Истесно қонуни

Амалий машғулот машғулотини олиб бориш тартиби:

Тингловчилардан ихтиёрий равишда кичик гуруҳлар шакллантирилади, мавзу буйича асосий тушунчаларни жавдал ва схемалари шакллантирилади. Тингловчилар ўзлари бажарган амалларини индивидуал ёки гуруҳий тарзда изоҳлаб, ҳимоя этадилар.


Амалий машғулот машғулотини олиб боришда қўлланиладиган методлар: “Бумеранг”, “Чархпалак”, “Венна диаграммаси”, “БББ” “ФСМУ”, “Тушунчалар изоҳи”

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ

Метод икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан муайян вақт оралиғи ва қатъий қоидаларга мувофиқ ташкил этиладиган оғзаки баҳс бўлиб, тингловчиларда ўрганилаётган мавзу буйича эркин, асосли фикрларни билдириш қобилиятларини шакллантиришга хизмат қилади. Ўқув машғулотларида баҳс-мунозарадан фойдаланишда мавзуга доир маълум масалалар ҳал қилинади.

Методни қўллашда қуйидаги тартибда иш кўрилади:

- Изоҳ:** 1) бир тингловчи га икки марта сўзга чиқишга рухсат этилмайди;
- 2) ўқитувчи (бошловчи) тингловчиларнинг мавзудан четга чиқмасликларини қатъий назорат қилиб боради, борди-ю, шундай ҳолатлар содир этилса, сўзловчилар бу ҳақида огоҳлантирилади.




“БИЛАМАН. БИЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН. БИЛИБ ОЛДИМ” (БББ)

МЕТОДИ

Метод тингловчиларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Уни қўллашда тингловчи лар гуруҳ ёки жамоада ишлашлари мумкин. Гуруҳда ишлашда машғулот якунида гуруҳлар томонидан бажарилган ишлар таҳлил қилинади.

Гуруҳлар фаолияти қуйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:



3–Мавзу: Тафаккур қонунлари.**Режа:**

1. Формал мантикнинг асосий қонунлари (принциплари).
2. Айният қонуни.
3. Нозидлик қонуни.
4. Истесно қонуни

Амалий машғулот машғулотини олиб бориш тартиби:

Тингловчилардан ихтиёрий равишда кичик гуруҳлар шакллантирилади, мавзу буйича асосий тушунчаларни жавдал ва схемалари шакллантирилади. Тингловчилар ўзлари бажарган амалларини индивидуал ёки гуруҳий тарзда изоҳлаб, ҳимоя этадилар.


Амалий машғулот машғулотини олиб боришда қўлланиладиган методлар: “Бу меранг”, “Чархпалак”, “Венна диаграммаси”, “БББ” “ФСМУ”, “Тушунчалар изоҳи”

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ

Метод икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан муайян вақт оралиғи ва қатъий қоидаларга мувофиқ ташкил этиладиган оғзаки баҳс бўлиб, тингловчиларда ўрганилаётган мавзу буйича эркин, асосли фикрларни билдириш қобилиятларини шакллантиришга хизмат қилади. Ўқув машғулотларида баҳс-мунозарадан фойдаланишда мавзуга доир маълум масалалар ҳал қилинади.

Методни қўллашда қуйидаги тартибда иш кўрилади:

- Изоҳ:** 1) бир тингловчи га икки марта сўзга чиқишга рухсат этилмайди;
- 2) ўқитувчи (бошловчи) тингловчи ларнинг мавзудан четга чиқмасликларини қатъий назорат қилиб боради, борди-ю, шундай ҳолатлар содир этилса, сўзловчилар бу ҳақида огоҳлантирилади.




“БИЛАМАН. БИЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН. БИЛИБ ОЛДИМ” (БББ)

МЕТОДИ

Метод тингловчиларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Уни қўллашда тингловчи лар гуруҳ ёки жамоада ишлашлари мумкин. Гуруҳда ишлашда машғулот якунида гуруҳлар томонидан бажарилган ишлар таҳлил қилинади.

Гуруҳлар фаолияти қуйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:



4–Мавзу: Далилларга таянган ҳолда фикр юритиш.**Режа:**

1. Аргументлаш ва исботлашнинг мантиқий асослари.
2. Далиллаш ва унинг хусусиятлари.
3. Исботлаш турлари ва методлари.
4. Рад этишнинг моҳияти .

Амалий машғулот машғулотини олиб бориш тартиби:

Тингловчилардан ихтиёрий равишда кичик гуруҳлар шакллантирилади, мавзу буйича асосий тушунчаларни жавдал ва схемалари шакллантирилади. Тингловчилар ўзлари бажарган амалларини индивидуал ёки гуруҳий тарзда изоҳлаб, ҳимоя этадилар.


Амалий машғулот машғулотини олиб боришда қўлланиладиган методлар: “Бумеранг”, “Чархпалак”, “Венна диаграммаси”, “БББ” “ФСМУ”, “Тушунчалар изоҳи”

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ

Метод икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан муайян вақт оралиғи ва қатъий қоидаларга мувофиқ ташкил этиладиган оғзаки баҳс бўлиб, тингловчиларда ўрганилаётган мавзу буйича эркин, асосли фикрларни билдириш қобилиятларини шакллантиришга хизмат қилади. Ўқув машғулотларида баҳс-мунозарадан фойдаланишда мавзуга доир маълум масалалар ҳал қилинади.

Методни қўллашда қуйидаги тартибда иш кўрилади:

- Изоҳ:** 1) бир тингловчи га икки марта сўзга чиқишга рухсат этилмайди;
- 2) ўқитувчи (бошловчи) тингловчиларнинг мавзудан четга чиқмасликларини қатъий назорат қилиб боради, борди-ю, шундай ҳолатлар содир этилса, сўзловчилар бу ҳақида огоҳлантирилади.



“БИЛАМАН. БИЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН. БИЛИБ ОЛДИМ” (БББ)

МЕТОДИ

Метод тингловчиларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Уни қўллашда тингловчи лар гуруҳ ёки жамоада ишлашлари мумкин. Гуруҳда ишлашда машғулот якунида гуруҳлар томонидан бажарилган ишлар таҳлил қилинади.

Гуруҳлар фаолияти қуйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:



5–Мавзу: Мантиқий парадокс. Илмий муаммо.**Режа:**

1. Парадокс ва унинг мантиқий аҳамияти.
2. Мантиқий тафаккурни шакллантиришда парадокснинг ўрни.
3. Муаммо ва билиш жараёнида муаммоли вазият.
4. Илмий муаммоларни қўйиш ва ечиш услублари.

Амалий машғулот машғулотини олиб бориш тартиби:

Тингловчилардан ихтиёрий равишда кичик гуруҳлар шакллантирилади, мавзу буйича асосий тушунчаларни жавдал ва схемалари шакллантирилади. Тингловчилар ўзлари бажарган амалларини индивидуал ёки гуруҳий тарзда изоҳлаб, ҳимоя этадилар.


Амалий машғулот машғулотини олиб боришда қўлланиладиган методлар: “Бу меранг”, “Чархпалак”, “Венна диаграммаси”, “БББ” “ФСМУ”, “Тушунчалар изоҳи”

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ

Метод икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан муайян вақт оралиғи ва қатъий қоидаларга мувофиқ ташкил этиладиган оғзаки баҳс бўлиб, тингловчиларда ўрганилаётган мавзу буйича эркин, асосли фикрларни билдириш қобилиятларини шакллантиришга хизмат қилади. Ўқув машғулотларида баҳс-мунозарадан фойдаланишда мавзуга доир маълум масалалар ҳал қилинади.

Методни қўллашда қуйидаги тартибда иш қўрилади:

- Изоҳ:** 1) бир тингловчи га икки марта сўзга чиқишга рухсат этилмайди;
- 2) ўқитувчи (бошловчи) тингловчи ларнинг мавзудан четга чиқмасликларини қатъий назорат қилиб боради, борди-ю, шундай ҳолатлар содир этилса, сўзловчилар бу ҳақида огоҳлантирилади.




“БИЛАМАН. БИЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН. БИЛИБ ОЛДИМ” (БББ)

МЕТОДИ

Метод тингловчиларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Уни қўллашда тингловчи лар гуруҳ ёки жамоада ишлашлари мумкин. Гуруҳда ишлашда машғулот якунида гуруҳлар томонидан бажарилган ишлар таҳлил қилинади.

Гуруҳлар фаолияти қуйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:



6–Мавзу: Мантиқий таҳлил ва мантиқий боғлиқлик.**Режа:**

1. Мантиқий таҳлил – замонавий методология асоси.
2. Герменевтик ва структуралистик таҳлил.
3. Мантиқий алоқадорликнинг намоён бўлиши.
4. Таҳлил ва боғлиқлик.

Амалий машғулот машғулотини олиб бориш тартиби:

Тингловчилардан ихтиёрий равишда кичик гуруҳлар шакллантирилади, мавзу буйича асосий тушунчаларни жавдал ва схемалари шакллантирилади. Тингловчилар ўзлари бажарган амалларини индивидуал ёки гуруҳий тарзда изоҳлаб, ҳимоя этадилар.

Амалий машғулот машғулотини олиб боришда қўлланиладиган методлар: “Бумеранг”, “Чархпалак”, “Венна диаграммаси”, “БББ” “ФСМУ”, “Тушунчалар изоҳи”


“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ

Метод икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан муайян вақт оралиғи ва қатъий қоидаларга мувофиқ ташкил этиладиган оғзаки баҳс бўлиб, тингловчиларда ўрганилаётган мавзу буйича эркин, асосли фикрларни билдириш қобилиятларини шакллантиришга хизмат қилади. Ўқув машғулотларида баҳс-мунозарадан фойдаланишда мавзуга доир маълум масалалар ҳал қилинади.

Методни қўллашда қуйидаги тартибда иш кўрилади:

Изоҳ: 1) бир тингловчи га икки марта сўзга чиқишга рухсат этилмайди;


2) ўқитувчи (бошловчи) тингловчиларнинг мавзудан четга чиқмасликларини қатъий назорат қилиб боради, борди-ю, шундай ҳолатлар содир этилса, сўзловчилар бу ҳақида огоҳлантирилади.



“БИЛАМАН. БИЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН. БИЛИБ ОЛДИМ” (БББ) МЕТОДИ

Метод тингловчиларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Уни қўллашда тингловчи лар гуруҳ ёки жамоада ишлашлари мумкин. Гуруҳда ишлашда машғулот якунида гуруҳлар томонидан бажарилган ишлар таҳлил қилинади.

Гуруҳлар фаолияти қуйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:



V. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Логика	грекча “logice” сўзидан олинган бўлиб, “сўз”, “фикр”, “ақл” маъноларини билдиради.	Logic is derived from the Greek word "logike", which means "word", "thought", "mind".
Тафаккур	ақлий билиш босқичи бўлиб, тафаккур жараёнида нарс ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги, ривожланиш қонуниятлари, истиқболи ҳақида билимлар, ғоялар, гипотезлар ҳосил бўлади. Тафаккур – мантиқ илмининг ўрганиш объекти	Thinking is the stage of mental cognition, in which the knowledge, ideas, and hypotheses about the interrelationships of things and events, the laws of development, and the future are formed. Contemplation is the study of the science of logic
Тафаккур шакллари	тушунча, ҳукм ва хулоса чиқаришдан иборат бўлади. Булар ҳаммаси объектив борлиқнинг, предмет, ҳодисаларнинг маъхум тафаккурда ифодаланиш шаклидир.	Forms of thinking are concepts, judgments, and conclusions. All this is a form of expression of objective being, object, events in abstract thinking.
Мантиқий усул	унинг ёрдамида баён этилган мулоҳазаларга асосланиб тафаккур шакли муайян типдаги буюмлар муносабатини акс эттиради.	The logical method is a form of thinking based on the considerations expressed by it, which reflects the relationship of certain types of objects.
Тафаккур қонунлари	чин билимга эришиш мақсадига хизмат қиладиган тўғри фикрлашнинг аниқ нормаларидир.	The laws of reasoning are clear norms of right thinking that serve the purpose of attaining true knowledge
Арасту (эр. ав. 384 – 322 й.)	мантиқни мустақил Фан сифатида асослаб берган	Aristotle (384-322) was an ancient Greek thinker who

	қадимги юнон мутафаккири.	established logic as an independent science.
Стоя мактаби	қадимги юнонистонда эр.ав. IV асрдан – эрамизнинг II асрига қадар фаолият юритади. Стоя мактаби вакиллари тафаккурнинг шакл ва қонунларини ўрганувчи фанни биринчи бўлиб «Мантик» деб атадилар	The Stoic School was founded in ancient Greece by er.av. It operates from the IV century to the II century AD. The Stoic school was the first to call the science of the forms and laws of thought "logic."
Ал-Фаробий (873-950)	ўз асарларида мантик масалаларини кенг равишда изчил тадқиқ этган Марказий Осиёлик мутафаккир	Al-Farabi (873-950) was a Central Asian thinker who extensively studied logic in his works. Logical laws are laws that are unique to human thinking and that apply to human thought only in relation to different ideas, opinions, and discussions.
Мантиқий қонунлар	инсон тафаккуригагина хос бўлган, инсон тафаккурида турли фикр, мулоҳаза, муҳокамалар муносабатидагина амал қиладиган қонунлардир.	The law of identity is a logical law that states that every thought and discussion is clear. The law of contradiction is a logical law that requires the avoidance of conflict and the prevention of intellectual conflict.
Айният қонуни	ҳар бир фикр, муҳокама аниқ, равшан бўлишини ўзида ифодалайдиган мантиқий қонун.	The third law of exception is a logical law that expresses two contradictory relations of a concept.
Зиддият қонуни	зиддиятга йўл қўймасликни талаб этувчи, фикрий зиддиятнинг олдини олишга қаратилган мантиқий қонун.	A law of reason is a law of logic that requires reason to be convincing.

Учинчиси истисно қонуни	тушунчанинг икки зид муносабатини ифодалайдиган мантиқий қонун.	Concept is a form of thinking that reflects the general and important features of things in the human mind as a whole.
Этарли асос қонуни	фикрлашнинг исботли, ишонарли бўлишини талаб этувчи мантиқий қонун	Analysis is a method of breaking down the object of study into thought components.
Тушунча	буюмларнинг умумий ва муҳим белгиларини инсон онгида яхлит акс эттирувчи тафаккур шакли	Synthesis is the process of taking things and events as a whole and examining their components.
Анализ	тадқиқ этилувчи объектни фикран таркибий қисмларга ажратиш усули.	A category is a special type of concept. Category is a scientific concept that most effectively reflects the relationships and connections of objects in the human mind. Definition is the definition of concepts.
Синтез	нарс ва ҳодисаларни яхлит, бутун ҳолда олиб, уларнинг таркибий қисмларини ўзаро бир-бир билан боғлаб текшириш усули.	Classification is the most perfect form of classification. The predicate is the cut of the sentence (R), the second concept of the sentence.
Категория	тушунчанинг махсус тури. Категория буюмлар муносабати ва боғланишларини инсон онгида энг умумий тарзда инъкос эттирадиган илмий тушунчадир	The subject is the owner of the judgment. (C) is the first concept of judgment. Conjunctive sentences are unifying sentences.
Дефиниция	тушунчаларни таърифлаш.	Disjunctive judgments are divisive judgments.
Классификация	тасниф, туркумлаш, бу бўлишнинг энг мукамал шаклидир	Implicative judgments are conditional judgments.

Субъект	хукмнинг эгаси. (С), хукмнинг биринчи тушунчасидир	Deductive reasoning is an important type of mediated reasoning. Its main feature is that our thought moves from the general to the particular, to the individual.
Предикат	хукмнинг кесими (Р), хукмнинг иккинчи тушунчасидир.	Inductive reasoning is the discovery of relevant laws by studying the nature of individual objects. An analogical inference is a method of drawing a probabilistic inference, moving the mind from one particular case to another.
Конъюнктив ҳукм	бирлаштирувчи хукмлардир.	A syllogism is a new conclusion drawn from two or more bases.
Дизъюнктив ҳукм	айирувчи хукмлар.	The axiom of syllogism reveals the internal law of the essence of syllogism.
Импликатив ҳукм	шартли хукмлар	Entimema is a syllogism in which one of the bases or the conclusion is omitted.
Дедуктив хулоса чиқариш	воситали хулоса чиқаришининг муҳим туридир. Унинг асосий хусусияти фикримизнинг умумийдан хусусийга, яккага қараб боришини ифодалайди.	Polysyllogism is a complex syllogism in which scientific findings in some fields may form the basis of a second conclusion.
Индуктив хулоса чиқариш	якка, хусусий буюмлар моҳиятини ўрганиш орқали тегишли қонунларни очишдир	Epixeyrema, Sorit is an abbreviated complex syllogism. The thesis is the verdict on which the truth must be based, and it is the central figure in proving it.
Аналогик хулоса	эҳтимолий хулоса чиқариш	Arguments are judgments

чиқариш	усулидир, бир хусусий ҳолатдан бошқа хусусий ҳолатга қараб фикран ҳаракатланиш.	made to substantiate the truth of a thesis.
Силлогизм –	икки ёки ундан кўп асослардан янги хулоса чиқариш.	The method of proof is the logical connection between the demonstration thesis and the arguments.
Силлогизм аксиомаси	силлогизм моҳиятининг ички қонуниятини очиб беради.	Denial is a logical act aimed at distorting a proof.
Энтимема	асосларидан бири ёки хулосаси қолдирилиб ифода этилган силлогизм.	A problem is a question whose answer is not directly available and whose solution is unknown.
Полисиллогизм	мураккаб силлогизм, бунда айрим соҳадаги илмий хулосалар, иккинчи бир хулосанинг асоси бўлиши мумкин.	Hypothesis is a form of knowledge in the form of reasonable assumptions that explain the causes and characteristics of the phenomenon under study.
Эпихейрема, Сорит	қисқартирилган мураккаб силлогизм.	Theory is a reliable knowledge that systematizes the concepts, laws, hypotheses, ideas of a particular subject area, creates a holistic view of it, leads to the creation of new fundamental generalizations, explains the events in this area, gives the faith of foresight
Тезис	чинлиги асосланиши лозим бўлган ҳукм, у исботланишининг марказий фигураси ҳисобланади.	the verdict on which it is based is the central figure in its proof.
Аргументлар	тезиснинг чинлигини асослаш учун келтирилган	judgments made to substantiate the truth of the

	хукмлар	thesis
Исботлаш усули	демонстрация тезис билан аргументлар ўртасидаги мантиқий алоқадан иборат.	the demonstration consists of a logical connection between the thesis and the arguments
Раддия	исботни бузишга қаратилган мантиқий амалдир.	is a logical act aimed at breaking the proof.
Муаммо	жавоби бевосита мавжуд билимда бўлмаган ва эчиш усули номаълум бўлган саволдир.	is a question whose answer is not directly in the available knowledge and the solution is unknown.
Гипотеза	ўрганилаётган ҳодисанинг сабаблари ва хусусиятларини тушунтирадиган асосли тахмин тарзидаги билим шаклидир.	is a form of knowledge in the form of reasonable assumptions that explain the causes and characteristics of the phenomenon under study.
Назария	маълум бир предмет соҳасига оид тушунчалар, қонунлар, гипотезалар, ғояларни системага солиб, у ҳақда яхлит тасаввур ҳосил қиладиган, Янги фундаментал умумлашмалар яратишга олиб келадиган, шу соҳасидаги ҳодисаларни тушунтириш, олдиндан кўриш имнонини берадиган ишончли билимдан иборат.	is a reliable knowledge that systematizes the concepts, laws, hypotheses, ideas of a particular subject area, creates a holistic view of it, leads to the creation of new fundamental generalizations, explains the events in this area, gives the faith of foresight.

VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаёвон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-

2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

18. Фалсафа. Мамашокиров С. Таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2005.

19. Фалсафа. Ахмедова М. Таҳрири остида.-Т.: УФМЖ, 2006.

20. Шермухамедова Н.А. Фалсафа.-Т.: Ношир, 2012. -1207 б.

21. Шермухамедова Н.А. Гносеология-билиш назарияси.-Т.: Ношир, 2009.

22. Шермухамедова Н.А. Борлиқ ва ривожланиш фалсафаси.-Т.: Ношир, 2013 , 720 б.

23. Шермухамедова Н.А. Фалсафага кириш.-Т.: Ношир, 2012. 320 б.

24. Шермухамедова Н.А. Инсон фалсафаси.Т.: Ношир, 2017.

25. Абу наср Форобий. Фозил одамлар шахри. -Т.: Абдулла Қодиридй номидаги нашриёт, 1997.
26. Жалололидин Румий. Ичингдаги ичингдадир. -Т.: 2015
27. Абдурауф Фитрат Оила.-Т.: 2014
28. Аллаярова С. Бадиий ижод герменевтикаси –Т.: Университет, 2011.
29. Аллаярова С.Н. Фалсафий герменевтиканинг методологик жиҳатлари. Фалс.фан. номз. Дисс.–Т.: Университет, 2010.
30. Аристотел. Сочинения В 4-х томах. -М.: 1975. ч.1.
31. Асмус В. Античная философия. -М.: 1999.
32. Бозаров Д. Синергетик парадигма. –Т.: Тафаккур, 2010.
33. Ёкубова М. Жамият ахборотлашувнинг фалсафий асослари. Фалс.фан. номз. Дисс.–Т.: Университет, 2007.
34. Ёкубова М. Фан ахборотлашувининг жамият ривожигадаги ўрни- Т.:”Стар - Полиграф”, 2010.
35. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: Маънавият, 2008.
36. Иззетова Э., Пўлатова Д. Философия. – Т.: Шарқшунослик, 2012.
37. Мадаева Ш. Миллий менталитет ва демократик тафаккур. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007.
38. Мамашокиров С., Усманов Э. Барқарор тараққиётнинг экологик хавфсизлик масалалари. –Т.: Фан, 2009
39. Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий ҳуқуқий асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2007.

IV. Интернет сайтлар

40. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
41. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
42. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-

методик маркази

43. www.ziyonet.uz – Таълим портали

44. <https://philpapers.org/> - международная философская поисковая система по книгам, статьям, журналам, находящимся в открытом доступе

45. <https://plato.stanford.edu/> - Стэнфордская энциклопедия философии.

46. <https://elibrary.ru/> - крупнейший российский информационно-аналитический портал (в том числе) в области философии.